

Ваъдага кўра, учовлон қўшни республикада Жавлонга тегишли бўлган ерларда ишлашлари, маошларини эса ҳосил етилгандан сўнг олишлари керак эди. Афсуски, жарақ-жарақ пул илинжида бегона юртда не-не кунларни бошдан кечириб, саккиз ой меҳнат қилган Д.Қўчқоров, С.Мавлонов ҳамда И.Комиловлар уйларига қуруқ кетишга мажбур бўлишди.

6 бет

Бош ҳисобчи шундан кейин Ҳаким билан ўзи гаплашиб кўришга қарор қилди-да, зудлик билан унинг ёнига йўл олди. Учрашгач, бунча камомал чиқишига ишонмаслиги, шунингдек, у сўраган пулни тополмаганини айтиб, ёрдам беришни сўради. Унинг гапларини эшитган Ҳаким ҳам аввалига ҳайрон бўлди. Ундан ким пул сўраётгани билан қизиққан эди, бош ҳисобчи И.Собировдан келган СМСларни кўрсатди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Ўзқўшқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 6-oktabr, №40 (1029)

Тарадуд

Муносабат

## Марказий сайлов комиссиясининг онлайн мажлиси бўлиб ўтди

Шу йилнинг 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцадоҳа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳамда сайловга тайёрмасалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида сайлов участ-

каларини тузиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 та сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича Марказий сайлов комиссияси хузурида ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тадбирда 2-Андижон ва 12-Хоразм округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари ҳам эштилди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакиллари



аккредитациядан ўтказиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари хусусида ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Шу вақтга қадар мамлакатимиз ва хорижий босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси билан боғлиқ икки мингдан зиёд материал эълон қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Беҳзод БОЗОРОВ, Ўза

## Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик

### МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Андижон вилоят прокурори

Мустақиллигимиз эълон қилингандан сўнг қабул қилинган дастлабки қомусий ҳужжатлардан бири — "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун бўлди. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган ушбу қонун чорак аср давомида келажагимиз ворислари бўлган ёшлар камолоти йўлида дастуриламал бўлиб келди.

Биринчи Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ёш авлод масаласи кун тартибига қатъий қилиб кўйилган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур қонуннинг мақсад ва вазифалари, Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмай, Ватанимиз довругини дунёга кўз-кўз қилдадиган, чин маънодаги баркамол авлод бўлиб камол топиши йўлида мустақкам пойдевор вазифасини ўтади.

Эл-юртимиз ўзининг ёруғ истиқболлини, бахту саодатини азиз фарзандлари тимсолида кўради. Халқимизнинг хоҳиш-ирода-си асосида ёшларга эътибор давлатимизнинг устувор сиёсати мақомини олди. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда бу масалада ўзига хос ўзбекона йўл ва ёндашув шаклланди. Албатта, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шу эзгу мақсадга қанот бўлганлигини эътироф этиш жоиз.

Бундан ташқари, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб қармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратadbirlar тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий мактаб, коллеж ва лицейлар ҳамда болалар спорти, санъат, маданият масканлари ёшларга катта имкониятлар эшигини очди. Жамиятимиз ҳаётини фуқароларимиз онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгартиришга қаратилган вазифалар биринчи навбатда, ёшлар сиёсатида дахлдорлигини Биринчи Президентимизнинг қатъий саъй-ҳаракатлари эканлигини бугун кўриб-билиб турибмиз.

Бугун ҳам эртанги кунимиз эгалари ҳар қандай шароитда ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқувчи ёшлардир. Уларга ғамхўрликни кучайтириш, истеъдод ва салоҳият майдонини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлаётгани кундалик ҳаёт тасдиқлаб турибди. Яқинда кучга кирган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун фикримизнинг яққол далилидир.

Мазкур қонун ёшлар сиёсатининг асосий қондаларини ўзида мужассам этган. Қонун бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

/Давоми 3-бетда/

## Қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда дастлаб округ сайлов комиссияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг гувоҳномалари топширилди.

Йиғилишда муҳим сиёсий кампанияни Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, юқори савияда, демокра-

тик тамойиллар асосида ўтказишнинг ташкилий масалалари, тайёргарлик ишларининг бориши муҳокама қилинди.

— Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида вилоятдан 1 миллион 771 мингдан ортиқ сайловчи ўз конституцион ҳуқуқини амалга оширади, — дейди округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Озода Чубаева. — Айни пайтда сайловчиларнинг ўз ҳуқуқидан демократик тамойиллар асосида фойдаланиши учун сайлов участкаларини ташкил этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Округ сайлов комиссиясининг асосий вазифалари ва комиссия аъзолари ўртасида иш тақсимоти, жойларда сайлов участкалари ва участка сайлов комиссияларини ташкил этишнинг тартиблари ҳамда бу борада участка сайлов комиссияларига назарий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар белгилан олди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини аккредитациядан ўтказиш, округ сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан сайловга тайёргарлик ишларининг боришини ёритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Акрамжон САТТОРОВ, Хотам МАМАДАЛМОВ (сурат), Ўза

# Масъулиятсизлик жавобсиз қолмайди

— Кимни кўпроқ яши кўрасан, яянгинми ёки дадангни?  
— Иккаласиниям яши кўраман.

Оаёата болаларга берилмаган ушбу саволнинг жавоби ана шу кўриниша, бир хил бўлади. Чунки бола учун ота ҳам, она ҳам бирдек азиз. Уларни айро тасавур қила олмайди.

**Б**ола ота-онасининг кучогидагина ўзини бехавотир, бахтиёр хис этади. Шундай экан, нега баъзи ота-оналар ажрашишни бунчалар осонгина ҳал қилишадди? Нега мунгайиб турган қора кўзларнинг дардини эшитишни, уларнинг ҳам қалбига қулоқ солишни исташмайди? Баъзида ўзларнинг аризмас муаммоларига ечим топиш ўрнига фарзандларини мислсиз муаммоларга гирифтор этишадди? Саволларнинг жавоби оддий. Ҳаётга энгил қараш, қаноатсизлик, сабрсизлик ва оилани муқаддас билмасликдир. Агарда бу масалаларга вақтида эътибор беришганида, озгина

сабрлироқ бўлишганида, қолаверса, турмуш қуришларидан олдинроқ никоҳ муқаддас эканлигини англаб етишганида, ёши катталар оила кўрғонини мустаҳкам сақлаш зарурлигини етарлича тушуниришганида фарзандлар тирик етим қолмас, алимент билан боғлиқ можаролар юзага чиқмас эди.

Ойбек Гапбаровнинг гулдек икки нафар фарзанди бор. Уларни катта қилиш, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериш оталик бурчи. Аслида, унинг бурчи, вазифаси оила мустаҳкамлигини сақлаш, болаларини ўз бағрида воёга етказиш эди. Бироқ Ойбек бундай қилмади. Тўғрироғи, бу-

нинг уддасидан чиқа олмади. Кундалик муаммолар, оилавий келишмовчиликларга вақтида ечим топишга, аёли Насиба билан тинч-тотув яшашга ўзида куч топа олмади. Кейин эса ўзи тўғри деб ҳисоблаган йўлдан юриб, турмуш ўртоғи билан ажрашди. Ақрим 2010 йилнинг январь ойида фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди томонидан расмийлаштирилди.

Аввалига Насиба болаларини ўзи воёга етказишга аҳд қилди. Аммо уларни кийинтириш, едириб-ичириш оғирлик қила бошлади. Моддий таъминотга муҳтожлик сездди. Собиқ турмуш ўртоғидан болаларни учун алимент ундиришни сўраб бир неча бор судга мурожаат қилди. Ойбек эса суд томонидан алимент ундириш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорига бепасандлик билан қаради. Фарзандлари-

нинг ҳар томонлама азият чекаётганлигини парвога ҳам келтирмади. Белгиланган алимент пулининг аризмаган қисмини тўлаб, ўзини гўёки оталик бурчини адо этаётгандек кўрсатди. Лекин кўп ўтмай алиментни умуман тўламай қўйди.

Насиба тоқати тоқ бўлиб, Ойбек Гапбаровдан тўланмай қолган алимент пуллари ундириб беришни сўраб жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судига ариза билан мурожаат қилди. Тергов ҳаракатларида Ойбек 2012 йил 1 октябрда 2016 йил 1 март кунига қадар жами 11 миллион 118 минг сўм миқдоридagi алимент пулини қасддан тўламай келаётганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг Ойбекнинг пайтавасига қурт тушди. Суд жараёнига қадар Насибага мазкур қардорлик ҳисобидан 5 миллион сўм тўлашга мажбур бўлди. Қолаверса, масъу-

Содиқ Юлдашов,

Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

лиятсизлиги ва қонунларни менсимаслиги учун ҳам тегишли жазо олди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди томонидан Ойбек Гапбаровга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди. Шу билан бирга, суд жабрланувчининг фойдасига тўланмасдан қолган 6 миллион 118 минг сўм алимент пулини ундириш тўғрисида ҳам ҳукм чиқарди.

Фарзанд тақдири ота-она учун барча нарсадан устун турмуш лозими. Қолаверса, қонунларни менсимаслик яхшиликка олиб бормаслигини ҳар бир киши ёдда тутиши керак.

## Долзарб масалага бағишланди

Фарҳод Пўлатов,

Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Истиқлол йилларида юртимизда прокуратура органи фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб, уларнинг мақомига оид қонунчиликка қатор ўзгаришлар киритилди. Эндиликда прокуратура инсон ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоячиси сифатида янги ҳуқуқий мақомда фаолият юритмоқда.

**Ж**умладан, Учтепа туман прокуратураси томонидан ҳам мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазаси қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Таъкидлаш лозими, ушбу жараёнда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни беқийс ҳисобланади. Хусусан, туман прокуратураси томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, уни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф этишга бағишланган тадбир ўтказилди. Учтепа туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари, шунингдек, ҳудуд профилактика инспекторлари ишторкида ташкил этилган йиғилишда Тошкент шаҳрида қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан шаҳар ҳуқуқни му-

ҳофаза қилувчи органи, маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракат дастури ва шу асосда ишлаб чиқилган бошқа тадбирлар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳамда туман прокуратуралари ходимлари, туман ИИБ бошлиғи ҳамда жиноят ишлари бўйича туман суд раиси мазкур ҳудудда қилинаётган ишларга ҳақида ахборот берди. Тадбирда қўрилган чораларга қарамай, туманда жиноятларнинг айрим турлари ўсганлиги қайд этилди. Ушбу масалада кенг жамоатчиликнинг жиноятчиликка қарши курашувчи органлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш механизмини яратиш, ҳар бир юртошимизнинг онда аввало ўз уйини ўзи асрашга бўлган тўғру ва жавобгарликни, қолаверса, конституциявий фуқаролик бурчини бахариш ҳиссини уйғотиш энг асосий вазифалардан бири бўлишига эришиш лозимлиги, назоратсиз ва қаровсиз қолган воёга етмаганларни аниқлаш, уларни ўқиш ва ишга жойлаштириш, нотинч оилаларда воёга етмаётган, жиноят қилишга мойил ўсмирлар билан тарбиявий ишлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

## Жамиятнинг етакчи кучи

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳимоясини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган тезкор тадбирларда қонунчиликда тақиқланган фаолият тури билан яширин шугулланаётган шахсларни аниқлаш билан бирга, уларга ҳуқуқий таъсир чоралари қўрилган ҳолда фаолиятига қонуний тўс бериш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва бу билан янги иш ўринларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Ж**умладан, Зангиота туманида яшовчи фуқаро Замира Холжўжаева давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний равишда қандолатчилик махсулотлари ишлаб чиқариб, уларни сотиш билан шугулланиб келаётгани, худди шунингдек, Абдор Расулов ҳам белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан сартарошлик хизмати қўрсатиб келганлиги аниқланди. Олиб боришдан тушунириш ишлари ҳамда ҳуқуқий, амалий ёрдам қўрсатилиши натижасида янги тадбиркорлик субъектлари вужудга келди.

Бу борада олиб берилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари давомида 1024 та ҳужалик юри-

туви ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам қўрсатилиб, 1326 та янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, Чирчиқ шаҳрида яшовчи Исломжон Пўлатов ҳам ёғочдан эшик ва ром ишлаб чиқариш фаолияти билан рўйхатдан ўтмасдан шугулланиб келаётганлардан бири эди. Олиб боришдан тушунириш ишлари ва қўрсатилган амалий ёрдам натижасида у яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, солиқларни ўз вақтида тўламоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган ҳуқуқий асос ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат-

Ақмал Азляров,

СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

ларга ўз вақтида барҳам беришга, соғлом рақобат кўрсатишга хизмат қилади. Зотан, жамиятимизнинг етакчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги кенг имконият ва имтиёзлар соҳа фаолиятининг ҳуқуқий кафолатини таъминламоқда.



Бугунги ёшлар Ватанимизнинг келажагидир. Шунинг учун ҳам улар ҳақида қайғуришга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда. Уларнинг илм олишлари, спорт билан шугулланиб, маънавий ва жисмонан соғлом — комил инсон бўлиб воёга етишлари учун барча соҳалардан-да кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда десак, асло муҳолага қилмаган бўламиз.

## Бугунги ёшлар — истиқбол эгаси

Воҳиджон Нишонов,

Уйчи туман прокурорининг ўринбосари

**М**актаблар, академик лицейлар ва коллежлар ўқувчиларини таълим олишлари учун энг замонавий ўқув дарсликлари ва техник анжомлар билан тўла таъминланган, мавжуд лабораториялар энг сўнгги технологик ускуналар билан жиҳозланган. Қолаверса, ҳукуматимиз томонидан касб-хунар коллежи битирувчиларини тўрт томонлама шартномалар асосида иш билан таъминлашга қаратилган эътибор битирувчи ёшларнинг келажаги учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда.

Туман прокуратураси томонидан касб-хунар коллежи битирувчиларини тўрт томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш масаласида белгиланган қонуний меъёрлар ижроси мунтазам текшириб боришмоқда. Жумладан, 2015-2016 ўқув йилида тумандаги мавжуд 8 та касб-хунар коллежини тамомлаган 2046 нафар битирувчи ишга жойлаштирилган.

Ёшларнинг келажагини белгилашда уларнинг иш билан таъминланиб, Ватанимизнинг эртанги равнақига ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишишида иш берувчининг ҳам масъулияти катта бўлиб, бу борада лоқайдлик ва сусткашликка зинҳор йўл қўйиб бўлмайди. Текширишлар жараёнида айрим ана шундай ишга кўр-кўроналик, юзак муносабат билан ёндашилган ҳолатлар ҳам аниқланиб, улар юзасидан тегишли қонуний чоралар кўрилди. Жумладан, касб-хунар коллежи, ота-она, битирувчи ва иш берувчи ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузишда фаолиятини тугатган ёки тўхтатган ҳамда ишга қабул қилиш ваколатига қирмайдиган идоралар билан шартнома расмийлаштириш ҳолатлари ҳам аниқланди. Мисол учун, Уйчи маънавий касб-хунар коллежининг 3-босқич "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши талабаларидан бири ўз фаолиятини тугатган "Шахноз" фермер хўжалиги билан тўрт томонлама шартнома имзолаган.

Худди шу каби қонун бузилмишларига Уйчи кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида 7 нафар, Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида 3 нафар, Файрат педагогика коллежида 6 нафар, Уйчи маънавий касб-хунар коллежида 5 нафар, Уйчи саноят, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежида 7 нафар, Ерқўрғон иктисодиёт ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежида 6 нафар, Уйчи иктисодиёт ва хизмат қўрсатиш касб-хунар коллежида 3 нафар, Уйчи спорт коллежида эса 9 нафар битирувчи билан тузилган шартномаларда ҳам йўл қўйилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни келажагимиз эгалари ҳаётига эътиборсизликдан ўзгача баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур қонун бузилишлари юзасидан тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Ёшлар — истиқболимиз, эртанги суянчимиз ва таянчимиз. Келажаққа эса асло масъулиятсизлик билан, панжа орасидан қараб бўлмайди.

# Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

**З**амон талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Булар сирасига ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлари киради. Шу асосда ёшларнинг очик ва сифатли таълим олиши таъминланади. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашилади. Уларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлашга шарт-шароитлар яратилади. Уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилади. Ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, спортни, тадбиркорликни ривожлантириш доимо диққат марказида бўлади.

Қонундаги эътиборли жиҳатлардан бири — унда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар моҳияти очиб берилган. Жумладан, "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёш оила" (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш мутахассис" каби тушунчаларга изоҳ берилган.

Хусусан, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилади. Ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришлайётган ота оёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади.


Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи, яъни Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар белгиланган. Бу-

лар сирасига таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари киради. Маданият ва спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, муҳофаа ишлари бўйича органлар, оммавий ахборот воситалари ҳам шулар жумласидандир. Ушбу органлар ва муассасаларнинг вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги қонунда аниқ белгиланган.

Ўз навбатида, қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча қафолатлар, яъни бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг таълим олиш ва соғломлаштириш таъминоти тизимини ривожлантириш ва бошқа шу қабилир қамраб олинган.

Қонунда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш қабилир орқали амалга ошириш мумкин бўлган истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини рўёбга чиқариш мақсадига қонунда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан чора-тадбирларни кўриш-



га алоҳида ўрин ажратилган.

Мазкур қонун ёшлар, ёш оила, ёш мутахассис тадбиркорлиги тушунчаларининг мазмунини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат бошқарувини ушбу жараёнда иштирок этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаган ҳолда такомиллаштирди. Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат қафолатларини кенгайтириш ва ўрнатишга, мамлакат иқтисодий ўсишининг лоқомоти бўлган ёшлар ўртасидаги тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга кенг йўл очди.

Қонун мезърлари жамоат ташкилотларининг, аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиради. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокнинг ҳуқуқий механизми рол мустаҳкамланди. Бу ҳуқуқий механизм масъул дав-

лат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиради. Бу имкониятлар ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга замин яратади.

Қонуннинг "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари" деб аталган 4-моддасида очиклик ва шафқофлик, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги, ёшларнинг камситилишига йўл қўймаслик ўз ифодасини топган. Бундан кўриниб турибдики, ишонч ва эътибор янада ортади, ташаббускорликни оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларига бўлган талаблар кучаяди.

Маданий, маънавий, ахлоқий қадриятларимиз мустаҳкамлашишида ёшлар иштироки, уларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътиборнинг ортиси диққатга сазовор.

Ана шу талаблар орасида ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки, ўсиб келаятган ёш авлоднинг ҳар бир ҳаракатини тўғри йўналтириш жамиятимиз раванқининг муҳим омил ҳисобланади.

"Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари" деб аталган 5-модда аввалгисидан анча кенг баён

этилган. Унга жумладан, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиқни сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, очик ва сифатли таълимни таъминлаш, ишга жойлаштириш ва бандлик учун шарт-шароитлар яратиш каби муҳим талаблар киритилганини айтиб ўтиш керак.

Айниқса, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб, улар учун муносиб шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш белгилаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман, 33 моддадан иборат бўлган бу янги қонуннинг ҳар бир сатри ҳаммамизга алоҳида-алоҳида масъулият юклайди.

9-моддада ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими аниқ белгилаб берилгани ва уларнинг ваколатлари аниқ кўрсатиб қўйилгани ҳам диққатга сазовор. Жумладан, прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат амалга оширилиши, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик каби қатор бизанфалар белгилаб қўйилгани катта масъулият юклайди.

Бир сўз билан айтганда, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жамиятимиз тараққиёти жадаллашувида ҳамда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

## Ўсимлик олаmidан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси



Ўзбекистон бой табиати ва ноёб биологик ресурслари билан алоҳида ажралиб туради. Юртимизда ўсадиган 4 минг 600 дан ортиқ ўсимликнинг тўққиз фоизи эндемик ҳисобланади, яъни сайёраимизнинг бошқа ҳудудларида учрамайди.

**Б**иринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида истиқлол йилларида экология соҳасида 30 га яқин қонун ва 150 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ичига олган мустаҳкам қонунчилик асоси яратилди.

1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлди. Ўтган йилларда ушбу соҳага оид олтмишдан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул

қилинди.

Ўзбекистон БМТнинг биохилма-хилликни асраш, ўсимлик оламини муҳофазалашга оид қатор конвенцияларни имзолади ва улар асосида зиммага олинган халқаро мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мақсадига миллий стратегия ва ҳаракат режалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури

тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли тоифадаги ўттизга яқин муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ташкил этилган. Уларни паспортлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини объектларининг кадастрини юритиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, яшил бойлигимизни муҳофазалаш ва кўпайтиришга йўналтирилган мажмуавий чора-тадбирлар қўлланнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беришга хизмат қилади.

Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш жараёнида Хитой, АҚШ, Япония каби етакчи давлатларнинг экологик қонунчилиги, ёввойи флора ва фаунанинг табиий яшаш ареалларини му-

ҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар атрофлича ўрганилган. Бир қатор халқаро конвенциялар, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш соҳасида оид махсус илмий адабиётлар таҳлил қилинган.

Қонун лойиҳаси давлат органлари мутахассислари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари, хорижий экспертлар иштирокида муҳокамадан ўтказилди. Жойларда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган конференциялар, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида ўнлаб мақолалар чоп этилди. Кенг жамоатчилик ўртасида ўтказилган ана шундай муҳокамалар даврида илгари сурилган тақдир ва тавсиялар асосида қонун лойиҳаси нормаларига тегишли туза-тишлар киритилди.

[Давоми 4-бетда]

# Қарор ижроси таъминланди

Пахтани ўстириш, уни парвариш қилиш, мўл ҳосил етиштириш оғир меҳнат талаб қилишини жуда яхши биламиз. Бунинг учун деҳқонларимиз йил давомида кунни кун, тунни тун демасдан биринчи навбатда, ер ва уруғ тайёрлашди, кўчат униб чиққан-дан сўнг ҳар туп кўчат устида парвона бўлишди, шунингдек, об-ҳаво инжиқликлари, касаллик ва зараркунандалар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этишди. Бу жараён эса деҳқондан юксак маҳорат ва мустаҳкам ирода талаб этади.

Муродулло АБДУХАКИМОВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
бошлиғи ўринбосари

хондарё вилоятларига етарлича нефть маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган. Прокуратура органлари томонидан аниқланган бу каби қонун бузилиши ҳолатлари нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Ўша дефолиациясини ўтказишга масъул ташкилотлар томонидан дефолиантларни қўлаш меъёр ва тавсияларига қатъий риоя қилинишини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги ҳам назорат тадбирларида маълум бўлди. Масалан, Оқолтин, Сайхунбод, Сирдарё туманларидаги бир нечта фермер хўжалиқларининг ўша майдонларида дефолиация сифатсиз ўтказилганлиги дуч келинди. Мазкур ҳолат юзасидан Сирдарё вилоят "Қишлоқхўжалиқимиз" ХАЖ раиси Ш.Ғофуров маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда ушбу майдонлар қайтадан сифатли дефолиация қилиниши таъминланди.

Бундан ташқари, айрим ҳолатларда "Қишлоқхўжалиқимиз" ҳудудий акциядорлик жамиятлари томонидан дефолиация ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги ҳам аниқланди. Хусусан, Жиззах туманидаги бир нечта фермер хўжалиқининг 844 гектар ушбу майдонларида дефолиация ишлари амалга оширилмаган бўлса-да, вилоят "Қишлоқхўжалиқимиз" ХАЖ Жиззах туман филиали раҳбари У.Шодмонов ушбу агротехник тадбирни ҳисоботларга қўшиб ёзиб юборган. Назорат тадбирида ушбу ҳолат аниқланиб, филиал раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди. Мазкур майдонларда эса дефолиация тадбирларининг ўтказилиши таъминланди.

Мазкур йўналишда прокуратура органлари томонидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 73 та тақдимнома киритилди, 1524 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди, 647 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

қўлланилди. Шунингдек, Наманган, Жиззах ва Қашқадарё вилоят "Қишлоқхўжалиқимиз" ХАЖнинг раислари ва ушбу жамиятларнинг Бекобод, Куйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Учқўрган, Жиззах, Миришкор туман филиаллари раислари ҳамда Бўка, Оққўрган, Чиноз, Бухоро, Пешку, Нуробод, Норин, Чуст, Зарбдор, Қамаш, Нишон, Косон, Чирокчи туман филиаллари мудири маъмурий жавобгарликка тортилди.

Масалан, Наманган вилоят "Қишлоқхўжалиқимиз" ХАЖ раиси О.Қаюмов юқорида кайд этилган қарор талабларини бажармасдан 66 та фермер хўжалиқлари билан дефолиация ўтказиш бўйича шартномалар тузмаган. Шу билан бирга, агротехник тадбирда иштирок этадиган ОБХ пуркагичларни таъмирлаш чораларини кўрмаганлиги учун айрим ўша майдонларида дефолиация қилиш жараёнлари кечиккан. Ушбу ҳолатга йўл қўйган О.Қаюмов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундай ҳолатлар республика миқдори Фарғона, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ҳам аниқланди.

Шунингдек, "Қишлоқхўжалиқимиз"нинг жойлардаги баъзи филиалларининг масъул ходимлари айби билан жойларга керакли дефолиантлар ўз вақтида етказиб берилмаган. Бундай ҳолатлар Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида кузатилди.

Ушбу жараёнга "Ўзнефтьмаҳсулот" компанияси ҳам жалб қилинган бўлиб, уларга етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари захирасини яратиш ва ўша дефолиациясиз даврида пуркагич ва самолётларга белгиланган тартибда узлуксиз ёқилги етказиб беришни ташкиллаштириш юклатилган. Шундай бўлсада, компания томонидан Фарғона, Наманган ва Сур-

Инсон ҳаётини, фаровонлик ва орзу-мақсадлар рўёбига эришишни белгиловчи омил нима? Бу шак-шубҳасиз, меҳнат-ҳаракат ва ижтимоий-фойдалоқ фаолият билан банд бўлишдир. Бойси, ҳаётда азаладан ўз исботини топиб келадиган ҳақиқат бор. Ўша меҳнат инсонни уч нарсадан, жиноятдан, қашшоқликдан ва муҳтожликдан асрайди.

## Яратувчанлик ва эзгу ишларга ундовчи омил

Жавлонбек ТҶУТАМИРЗАЕВ,  
Янгиқўрган туман прокурорининг ёрдамчиси

Юртимизнинг мустақиллик йилларидаги одимларига назар ташлайдиган бўлсак, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ҳамюртларимизга ўз салоҳияти ва қобилиятларини намойён этишга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги кўрамиз. Бунинг замирида Биринчи Ўртаб-шимизнинг "Энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир", деган эътирофи ифодаси мумкин.

Фаолиятимиз жараёнида аҳолининг меҳнат қончилиги борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига жиддий ёндашилмоқда.

Бу борадаги қонунчилик ижроси таҳлилларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган даврда Янгиқўрган туман Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига иш сўраб мурожаат этган фуқароларнинг 871 нафари иш билан таъминланган, 65 нафари жамоатчи сифатида ёлланган, 25 нафари касбга қайта ўқитилган. Таассуфки, ушбу рақамлар ҳисоботларда тўғри кўрсатилмасдан, улар оширилиб, сохта маълумотлар киритилгани маълум бўлди.

Мазкур соҳада ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра, қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та тақдимнома киритилиб, 1 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида туман ҳокимлиги билан биргаликда барча қорхона, ташкилот, муассасаларни жалб этган ҳолда мунтазам равишда "Меҳнат ярмаркалари" ташкил этилаётди. Аҳолининг меҳнат бозорига рақобатга қодир бўлмаган тоифаси, яъни жазони ижро этиш муассасасидан қайтганлар, тегишли мутахассисликка эга бўлмаганлар бандлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Аҳамиятлиси, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида уларга диплом топириш маросимлари билан бирга, "Меҳнат ярмаркалари"ни ташкил этиш, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, тижорат банклари ҳамкорлигида "Менинг бизнес гоям", "Диплом билан бизнесга" каби лойиҳаларни амалга ошириш аънаъига айлиниб бормоқда.

Муносабат

## Ўсимлик оламидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси

Давомий. Бошланғич 3-бета

— Олти боб, эллик бир моддадан иборат янги тахрирдаги қонунда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Исом Хушвақтов. — Қонунда ушбу соҳада қўлланиладиган барча атама ва тушунчаларга батафсил изоҳ берилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари, ўсимлик дунёсига бўлган мулкчилик ҳуқуқи белгиланган.

Соҳадаги вазифаларнинг миқдори ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш, экологик муаммоларни

комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Шу сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда аҳолининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда иштирок этиши қонунда ўз ифодасини толган.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш комплекс чоралар тадбирларини талаб қилади. Шу сабабли қонунда ўсимлик дунёсини объектларидан умумий ва махсус фойдаланиш, ўсимлик дунёсини объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш тартиби тўлиқ тартибга солинган. Ўшундай ҳолда ўсувчи ўсимликларни суғий яратилган шароитларда, ботаника ва

дендрология боғларини ташкил этиш йўли билан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Юртимизда ўсимлик дунёсини объектларининг давлат ҳисобини юритиш тизими ташкил этилмоқда. Натijaда ўсимлик захираларига технология ва инсон омилли салбий таъсирининг олдини олиш, яшил бойлигимиздан оқилона фойдаланишга эришилмоқда. Қонунчиликда бу борада фаолият юритаётган мутасадди органларнинг, ўсимлик дунёсини объектларидан фойдаланувчиларнинг ўсимлик дунёсини объектлари давлат кадастри бўйича зарур ахборотни тегишли ваколатли идораларга тақдим этиш механизми аниқлаб берилган.

Айтиш жоизки, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йғиш тегишли давлат органлари ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан белги-


ланган квота асосида амалга оширилади. Қонунчиликмизда бу борада қонунбузарлик содир этилганда йғилган ва тайёрланган ўсимлик дунёсини объектларини олиб қўйиш ҳамда ундан фойдаланиш соҳасидаги низооларни ҳал этиш, шунингдек, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини муҳофаза қилишда Ўзбекистон "Қизил китоб"ини юритишнинг тартиби белгилаб қўйилган.

Қонунда ўсимлик дунёсини ва у қўпаядиган жойларни сақлаб қолишга йўналтирилган биотехник тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини табиий муҳитдан ажратиб олиш, ўсимлик дунёсини объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар олиш тартиби, махсус фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб

туриш, тугатиш ва бекор қилиш асослари ҳам белгиланган. Ўсимлик дунёсини объектларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш шартлари, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш, ўсимлик дунёсини тақдор кўпайтириш чоралари кўрсатилган.

Янги тахрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ашилл бойлигимизни, айниқса, биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми бўлган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини ҳамда уларнинг генетик фондидини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш самарадорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА



# Томчи ва томчй, заррама-зарра фидойилик

## — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу...

"...Менга буюрса, — деб қайд этган эди Биринчи Юртбошимиз Ислоҳ Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида, — ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадалар сари чарчамай, толқимай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу, деб айтган бўлардим".

Шак-шубҳа йўқки, юртни истибдоо занжиридан озод этиб, бобомерос истиқлол байроғини балана кўтарган, ҳалқимизни мунаввар манзилларнинг равоп йўлига олиб чиққан Биринчи Президентимиз жасоратида ҳам мана шундай асл қаҳрамонлик руҳи мужассам.

### ЭНИБ ЯШАШ САБОҒИ

"Элиб деб, юртим деб эниб яшаш керак" деган эзгу давлат билан миллионлаб ватандошларимиз зорогага чў солган Республикаимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бунд ўзининг ибрат мактабига айланган ҳаёти ва ўшқин фаолияти давомида яққол исботлаб берди. Мустақиллигимизнинг ўтган 25 йилда юртимизда амалга оширилган, дунё аҳлининг ҳавасини келтираётган ўзгаришлар "эниб яшаш", "ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш", "ўзини буюк мақсадалар сари сафарбар этиш" борасидаги бетакорр шижоат мевасидир. Юртбошимизнинг ҳар бир асари биз учун ана шундай буюк қаҳрамонлик сабоғи бўлиб хизмат қилади. Бу бетакорр матонат ва фидойиликдан ҳар биримиз ибрат олмоғимиз, ўз фаолиятимизни ана шу мезон асосида ташкил этишга интилоғимиз шарт.

Мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқлар қўламини тасаввур қилиш учун куйидаги далил ва эътирофларни қайта-қайта эслаш зарур. Бу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 5 қаррадан зиёд ўсгани, мамлакатимиз аҳолиси 10,5 миллионга кўпайгани ҳолда, унинг даромадлари қарийб 9 баробар ошгани, одамларимизнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга ўзайгани сингари бекиёс ютуқ ва натижаларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, албатта. Айниқса, кейинги йиллар давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотимиз 8 фоздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётгани халқаро жамоатчиликнинг, яқин ва узоқ ҳамда ён-атрофимиздаги қўшни мамлакатларнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда. Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми Жаҳон банкнинг "Глобал иқтисодий тараққиёт" прогнози асосида эълон қилинган иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингинда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилгани, албатта, кўп нарсадан далолат беради. Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фозини ташкил этаётгани ва бу соҳанинг давлат бюджетди харажатларидаги улуши 35 фоздан зиёд экани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб нуфузли халқаро рейтинг агентликлари юртимизнинг барча тижорат банкларига уларнинг барқорор ўсиш суръатларига эришаётганини тас-

диқлайдиган рейтинг баҳоларини тақдим этмоқда.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш сингари бугунги замонавий давлатчилик тараққиётдаги долзарб кўрсаткичлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров ва тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"нинг янги рейтингда Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журналининг эътироф этишича, Ватанимиз пойтахти — азиям Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатида дунё рейтингда 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллайди. Нуфузли нашрлар томонидан Самарқанд шаҳри "Дунёнинг янги, албатта бориб кўриш керак бўлган 50 шаҳри" рўйхатида киритилгани ва бундай эътирофга эришишда ҳам МДҲ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон ягона экани эътиборда сазовордир.

Ислоҳ Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" асарида алоҳида таъкидланганидек, халқаро миқсда юксак эътироф этилаётган бундай ютуқ ва натижаларга халқимиз ўз-ўзидан, осонликча эришаётгани йўқ. Буларнинг барчаси замирида, аввало, ўз вақтида ва тўғри танланган, "ўзбек модели" деб ном олган, халқимиз манфаатларига тўла жавоб берадиган миллий тараққиёт стратегияси, халқимизнинг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи омил ва мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

### КЎКСИМИЗГА ШАМОЛ ТЕККАН КУНЛАР

Ислоҳ Каримов шу йилнинг 30 июнь — 1 июль кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида қайд этганидек, собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қоқоқ худудлардан эди. Одамлар ҳар томонлама эзилган, ҳаётдан норози бўлиб яшарди. "Уш пайтда вилоят раҳбари сифатида уларнинг дардини кўп ошитганман, — таъкидлаган эди ўшанда Юртбошимиз. — "қачон бу замон ўзгарди, қачон кўксимизга шамол тегади", деб куюнганларни кўп кўрганман. Мана, ўша орзу қилинган кунлар келди. Мустақиллик шарофати, халқимизнинг фидокорона меҳнати туйғали мамлакатимиз ҳар томонлама обод бўлиб бормоқда, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшамоқда. Бугунги замонавий шароитлар биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч

кимдан кам бўлмаймиз деган эзгу мақсадимизнинг амалий ифодасидир".

Мустақиллик йилларида вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти мисли кўрилмаган даражада юксалди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Шўртан газ-кимё" мажмуаси, "Муборакнефтогаз" унитар шўба корхонаси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Талимаржон иссиқлик электр станцияси каби замонавий саноят корхоналари барпо этилди. "Ҳисорнефтогаз", "Кўкдумалоқгаз", "Шўртангазмаҳсулот" каби йирик қўшма корхоналар ташкил қилинди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми изчил ошмоқда.

Юртимизнинг барча худудларида бўлгани каби воҳамизда ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллиги муносабати билан вилоят янада гўзал ва обод масканга айланади. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳарнинг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилди. Янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилди. Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчалари кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилди. Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 56 километрик ҳалқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл ва дарёлар билан кешишадиган жойларига 6 та замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар бунёд этилмоқда.

"Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш" лойиҳаси мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Қарийб 141 километрик Мароқанд-Қарши участкаси тўлиқ электрлаштирилди. Поездлар ҳаракатини бошқарадиган замонавий тизим йўлга қўйилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электрпоезиди Қарши шаҳрига илк қатновини амалга оширди.

### ЧЕКСИЗ МЕҲР ВА ҒУРУР БИЛАН

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ҳаёт синонвларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли китобида нафақат гуллаб-яшнаётган олтин воҳамиз, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, обод ва фаровон ҳаётни янада мустақамлаш ва қадрига етиш, олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ва долзарб масалалар бўйича фикр юри-

Салом САМАДОВ,  
Қашқадарё вилоят прокурори

тилган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча худуд ва минтақалари сингари Қашқадарёда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани алоҳида таъкидланган. Мустақил тузум даврида асосан пахта хомашеси этиштириш билан чекланган бу воҳада бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноят корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, қишлоқ ва шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида мужассам бўлган омиллар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Юртбошимизнинг воҳамиз аҳлига чексиз меҳр ва самимият билан йўғрилган мазкур рисоласи истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик ҳар бир вилоят, шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида буюк ўзгаришларга асос ва замин бўлаётганини чуқур англашга хизмат қилади ва ана шу бебаҳо неъматни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга даъват этади.

### СОКИН КАБИНЕТЛАРДА ЭМАС, ШИДДАТЛИ КУРАШЛАРДА...

Ҳа, қўшиқларимизда айтилганидек, бу ойдан кунлар ойдан ҳам, қўздан ҳам тушган эмас. Буларнинг замирида узоқни кўзлаб олиб борилган оқилона сиёсат, тунни тонга қарам қилинган машаққатли меҳнат, шиддатли курашлар, мислсиз матонат турбиди.

"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари сўзбошида қайд этилганидек, Ислоҳ Каримовнинг халқ қалбининг туб-тубида йиллар давомида армон бўлиб ётган дард ва изтироблар, орзу-интилишларнинг ўзига хос ифодаси бўлган нуқт ва маърузалари ўша даврда фаолият юритган аскарлар раҳбарларнинг чиқишларида кузатиладиган риторика ва демагогиядан, арава ни қуруқ олиб қочишлардан мутлақо холи экани, оташин руҳи ва самимияти билан кескин аҳралиб туради. Бугунги кунда тараққиётимизнинг "ўзбек модели" деб ном олган ривожланиш йўлининг асосий принциплари, умумий йўналишга айлиб кетган "Ўзбекистон — келажак буюк давлат", "Мустақиллик бу — аввало ҳуқуқдир", "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузмаган", "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун", "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди", "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!" каби машҳур иборалар сокин кабинетларда эмас, аксинча шиддатли курашлар, тинимсиз баҳс ва мунозаралар, аччиқ ҳаётий тахрибаларда тунилган.

Асрларга татиғулик давримизнинг бу буюк даъватлари қалбимизда, онгу шуғуримизда жаранглаб, бизни ҳаммиша янги-янги марраларни забт этишга, биринчи ва ҳаммиша ардоқли Президентимиз бошлаган ислохотларни изчиллик билан давом эттиришга ундаб туради.

Мамлакатимизда ёш болани оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, маҳаллалар томонидан ёш болани тарбиялаётган оналарга нафақалар берилмоқда. Улар меъририй ҳужжатлар асосида маҳалла фуқаролар йиғинининг тегишли комиссиялари қарори асосида тайинланмоқда.

## Қинғирлик оқибати

Ақбар САЛОХИДДИНОВ,  
Бош прокуратура ҳузурдаги

СВОЖЖДЛҚК департаментининг бўлим катта тафтишчиси

Аммо кимлардир бундан наф қўриш учун қинғир ишларга қўл урмоқда. Сирдарё вилоятидаги маҳаллалардан бирида посбон вазифасида ишлаб келган Турсунбек Одилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундай шахслар тоифасидан экан. У яқинда қинғир қилмиши учун суд олдида жавоб берди.

Т.Одилов маҳалла посбони сифатида атиги 6 ой ишлади. Агар қинғир ишларга қўл урмай, тинчгина ўз хизмат вазифасини бажариб юрганда, бошига ташвиш келтирмаган бўларди.

Т.Одилов яқин таниши Ш.Асиловога учратиб қолди. Шоҳсанам болаларига нафақа олиш ташвишида юрган экан. Турсунбекда ғараз ният пайдо бўлди. У гарчи хизмат ваколатига кирмас-да, танишига болалари учун нафақа олишда ёрдам бериши ваъда берди. Аммо бу "хизмати" бекорга бўлмастлигини ҳам шама қилди. Фикр-хаёли нафақа олиш билан банд бўлган Шоҳсанам посбондан ёрдам беришни яна ўтиниб сўради. Носир нафақа тайинловчи таниши борлигини айтиб, Ш.Асиловодан хизмат ҳақи эвазига очикдан-очик элик минг сўм сўради.

Посбоннинг бундай тамағирлиги Ш.Асиловога ғалати туюлди. Шундай бўлса-да, эртаси кун икки айтилган пулни посбонга тутқазди. Текин лўкма Т.Одиловнинг томоғидан бир зумда ўтиб кетди. У элик минг сўмини ўз манфаати учун ишлатиб юборди. Лекин орадан бир ой вақт ўтса-да нафақадан дарак бўлмади. Ш.Асилова яна тамағирга телефон қилган, ҳафсаласи пир бўлди. Турсунбек эса ғаразли ниятидан кечмаганди. Ш.Асиловодан такроран пул олиш ниятида унга қўнғироқ қилиб, яна элик минг сўм сўради. Посбон бу сафар ҳам элик минг сўмини "қурут" дай санаб олди-ю, ваъдасини унутди. Ш.Асилова эса тамағир тузюгига илганини жуда кеч англади.

Посбоннинг қилмишлари фош бўлиб, унинг устидан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича туман суди Т.Одиловни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, унга қонуний жазо тайинлади.

## Яширилган солиқлар

Ўткирбек ТОШҲҲҲАЕВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фаргона туман бўлими бошлиғи

Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган бўлиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуни ҳимоясига олинган. Ҳуқуқларини тасарруф этиш билан бирга, мажбуриятларига ҳам сўзсиз амал қилаётган ишбилармонлар жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда, иш ўринлари яратишмоқда, бозорларни товар ва маҳсулотларга тўлдиришмоқда.

Бирок ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланиб, мажбуриятларини адо этишдан қасддан бўйин товланганлар ҳам учраб турибди. Азаматжон Солиев ана шундай устаси фаранглардан экан. 34 ёшли бой йиғит Фаргона тумани ва Фаргона шаҳрида бирин-кетин хусусий корхона ва иккита МЧЖ ташкил қилади. Давлат рўйхатидан ўтиб, ишни йўлга қўяди. Ҳужжатли тафтишда 2010 йил январь ойида иш бошлаган "Azganush projekt" тикувчиликка ихтисослашган хусусий корхона раҳбари вазифасида ишлаб, 2011-2014 йиллар учун топширилган ҳисоботларида 749 млн. 551 минг сўмлик товар айланмасини акс эттирмасдан, камайтириб кўрсатиб, 38 млн. 748 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни яширгани фош этилди.

Шу билан бирга, А.Солиев назорат-касса машиналарини қўллаш борасидаги қонуни талабларини ҳам писанд қилмаган экан. Уч йил мобайнида пул ўтказиши йўли билан сотиб олинган 855 млн. 290 минг сўмликдан зиёд маҳсулотларни нақд пулга сотиб, савдо пулларини НКМга кирим қилмайди, банк муассасасига ҳам топширмайди. Шунингдек, 2014 йилда 158 млн. 447 минг сўм пулни фуқароларга кредит ва бошқа мақсадлар учун ўтказиб бериш йўли билан нақдлаштириб олиб, жуда кўп миқдорда савдо ва бизмат кўрсатиш қоидаларини бузади.

Юқоридагидек йўсунда ўзи раҳбарлик қилган тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Fergana sky textile" МЧЖ томонидан 2012-2014 йилларда ва 2015 йилнинг биринчи чорагида топширилган ҳисоботларида 1 млрд. 316 млн. 625 минг сўмлик товар айланмасини киритмасдан, камайтириб кўрсатиб, 65 млн. 831 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламайди.

2014 йилнинг июль ойида А.Солиев улгурчи савдо билан шуғулланувчи "Install industries" МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказдиради. Ушбу МЧЖ томонидан амалга оширилган 242 млн. 874 минг сўмлик товар айланмасини ҳам ҳисоботларда яшириб, 12 млн. 143 минг сўм миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди.

Ушбу ҳолатни атрофлича қўриб чиққан суд А.Солиевга нисбатан тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

## Пушаймонлик сафари

Одам савдоси ва унинг оқибатлари хусусида оммавий ахборот воситалари орқали узлуксиз чиқишлар қилиниб, фуқаролар ҳушёрликка чорланмоқда. Бундан кўпчилик ўзига тегишли хулоса чиқариб, ризқини ўз юрталаридан қилиришга бел боғлаётган бўлсалар, айримлар катта маош илнжидида ёлгон ваъдаларга учиб, ҳамон унинг "турни"га илнжи қолаётганликлари, афсусланармиз.

Умиджон ЭГАМКУЛОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Оқолтин туман бўлими  
инспектори

ки, жарақ-жарақ пул илнжидида бегона юрда не-не кунларни бошдан кечириб, саккиз ой меҳнат қилган Д.Кўчоров, С.Мавлонов ҳамда И.Комиловлар уйларига қуруқ кетишга мажбур бўлишди. Хосилни йиғиб олган Жавлон иш ҳақини беришга келганда, ваъдасини унутди. Тортишувларда эса уларни саккиз ой текинга ишлатиш учун Х.Турмоновдан сотиб олганлигини пеш қилди. Эндиликда, бу жинида қолиш бейойил эканлигини тушунган йиғитлар не азобларда юрталарига кириб келишадди.

Маэзур ҳолат бўйича Х.Турмоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Хусусан, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Оқолтин туман бўлимига ушбу ҳудудда яшовчи фуқаро Содик Мавлонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ариза билан муурожаат қилиб, ўзининг одам савдоси жиноятдан жабр чекканлиги ҳақида баён қилади. Маълум бўлишича, Мирзаобод туманида яшовчи Ҳасан Турмонов терговда шахсининг аниқлашнинг имкони бўлмаган қозғонистонлик Жавлон исмли шахс билан олдиндан жинойий тил бириктириб, андижонлик

Даврон Кўчоров ҳамда оқолтинлик Содик Мавлонов ва Исом Комиловларга катта маош ваъда қилади. Уларни алдаб, қўшни республиканинг Етисой вилоятига олиб боради. Манзилга етгач, уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўяди ва жинойий шеригига топшириб, эвазига 250 минг қозок тенгеси олади-да, ортага қайтади.

Ваъдага кўра, уволон қўшни республикада Жавлонга тегишли бўлган ерларда ишлатилари, маошларини эса хосил етилгандан сўнг олишлари керак эди. Афсус-

## Олтин танга савдоси

Улмас ШАРИПОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи



2016 йил февраль ойи. Зафар "Шахристон" тилла буюмлар бозорига келар экан, кимдир олтин тангалар саттириб ёки йиғиб қўйган тангаларимга нақд харидор топилиб қолар, деган умидда эди.

Муқаддам судланганлиги боисми, қўрқув ҳисси атрофга олазарак боқаётган кўзларидан маълум эди. Расталар оралаб келаётган аёл сирга ёки узук эмас, балки "Император Николай 2" қадимий тангалари борми", дея сўраб қолди.

— Пул бўлса, ҳамма нарсаи топса бўлади, ояжон, — деди у шошиб. — Нечта керак? 5 рубл-

ли олтин тангалар 200 доллар, 10 рубллиги 400, хоҳласангиз, 15 рублли олтин тангаларимиз ҳам бор. 900 АҚШ доллари. Сифатига мен кафилман, ояжон.

— Бўпти. Узим сизга телефон қиламан. Соат кечки бешларда харидор аёл телефон қилди.

— 15 минг АҚШ доллари тайёр. Сиз тангаларни тахлаб қўйинг.

Келишилган вақтда, айтилган манзилда учрашган З.Шодиев 31 донда олтин тангани аёлга 10 минг 300 АҚШ долларига сотиб юборди.

Аммо унинг қувончи узокқа қўзилмади. Тер тўкмай бой бўлишни орзу қилган З.Шодиевнинг фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилган З.Шодиев энг кам оилаи иш ҳақининг 75 баравари миқдорда жарима жазосига тортилди.

## Ошкор бўлган «фаолият»

Шариф ХОЛИКУЛОВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари

Азамат Ниёзов Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан яқка тартиббағи тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритиб келди. Аммо у тадбиркорлиги давомидида белгиланган қоидаларни писанга этмаганлиги маълум бўлди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Самарқанд шаҳар бўлими ходимлари томонидан яқка тартиббағи тадбиркор Азамат Ниёзовнинг фаолияти ўрганилганда, унинг қўйидаги камчиликларга йўл қўйганлиги аниқланди.

Савдо фаолиятида Россия Федерациясининг Томск шаҳридан жами 323 млн. 470 минг сўмлик ёғоч маҳсулотларини олиб келган А.Ниёзов ёғоч маҳсулотларининг барчасини нақд пулга сотиб, назорат касса машинасидан ўтказмай, банкка ҳам топширмасдан ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Бундан ташқари, ёғоч маҳсулотларига тўловни амалга ошириш учун чет эл валютасини "қора бозор"дан ноқонуний сотиб олиб, Россия Федерациясига турли йўллар билан жўнатиб келганлиги ҳам маълум бўлди.

Суд Азамат Ниёзовга энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдорда жарима жазосини тайинлади.



Ака-ука Шоҳруҳ ва Жаҳонгир Орзиқулов шаҳардаги бозор атрофида валюта оламосотмаси билан шуғулланиши мақсад қилиб, одамлар тўпланиб турган жойларда "доллар оламос" деб юришарди.

## Ака-ука валютафурушлар

Бобур УЛУҒМУРОДОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят божармаси бўлим катта инспектори

Кунларнинг бирида Шоҳруҳнинг олдига фуқаро Гулнора Бердиева келиб:

— Долларни қанчадан сотаяпсиз? — деб сўради.

— Қанча керак? Келиштириб берамиз. — 9 минг доллар керак эди, топиб бероласизми?

— 41 миллион 580 минг сўмга сиз айтган "иш" битида, — деди Ш.Орзиқулов. — Сиз пул олиб келавингиз, мен буғини тайёрлаб қўяман.

Шоҳруҳнинг ёнида 6200 АҚШ доллари бор экан, шу боис укасига телефон қилди.

— Жаҳонгир, тез 2800 доллар олиб ёнимга кел.


Жаҳонгир айтилган пул билан етиб келди. Ака-ука Гулнорадан пулни санаб олаётганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд ака-укани айбдор деб топди ва уларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан миқдорда жаримага тортилди.

# Кибержиноят нима?

Бугун мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ўзи истаган ахборотни олиш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган. Лекин, ушбу жараён ўзига хос ижобий томонлари билан бирга, бир қатор салбий жиҳатларини ҳам намойён этмоқда.

Айни вақтда ахборот бутун дунё билан бирга инсонларни ҳам бошқараяпти десак, муболага бўлмайди. Энг йирик глобал маконга айланган интернет нафақат шахсга, баки жамиятга, давлатга дахл қилувчи қуролга айланаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Глобализация жараёни ҳаёtimизга "кибержиноят" тушунчасини олиб кирди. Ҳўш, бу қандай жиноят?



ридаги рақамларни ўғирлаш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотларни — бўхтон, порнографик материалларни тарқатиш кабилар кирди. Хуллас, глобал тармоқда бу жиноятнинг йил сайин янги-янги турлари пайдо бўлмоқда.

Кенг маънода эса киберфазода содир этилган жиноятлар тоифасига ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шу мақсадда махсус воситаларни ўтказишни кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, шу билан бирга, компьютер тизими ва тармоқларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, ўғирлик, талон-торож қилиш ва бошқалар кирди.

Дунёда содир этилаётган жиноятларнинг ичиде кибержиноятчилик 4-уринда туради. Бу ўзгача жиноят тури ҳисобланиб, унинг мавжуд бўлишига интернет тармоғининг пайдо бўлиши сабаб бўлган. Масалан, бу турдаги жиноятнинг содир этилиши бино, офис ёки хонадонга ноқонуний кириш билан боғлиқ кўринса-да, бироқ жиноят белгиси ҳисобланган жисмоний куч билан содир этилиши талаб қилинмаслиги ҳам маълум.

Кибержиноятчиларнинг турлари ҳам таснифлаб чиқилган. Уларга куйидагилар кирди.

**Фишинглар.** "Фишинг" иборасининг маъноси ижтимоий инженерия (манипуляция йўли билан истеъмолчига тегишли конфиденциал маълумотларга эга бўлиш) усулларини билдиради. Фишингнинг мақсади конфиденциал ҳисобланган банк ҳисоб-

рақамлари, PIN-кодлар ва шунга ўхшаш маълумотларни қўлга киритишдир.

**Спамерлар.** Ҳозирги кунда интернет орқали реклама бериш энг кенг ривожланиб бораётган ва истеъмолчи билан тезкор ҳамда минимал маблағ сарфланган ҳолда мулоқотда бўлиш усулидир. Бундан фойдаланган спамерлар аънавий рекламаларни тарқатиш билан биргаликда, зарар келтирувчи (спам) дастурларни фуқароларга улар хохламаган ҳолда реклама мавзусидаги хабарлар, эълонларни тарқатиш, уларни қизиктириб, бошқа сайтларга киришга жалб қилишади.

**Инсайдер.** Кенг жамоатчиликнинг хабари бўлмаган маълумотларга эга бўлган гуруҳ аъзоси. Инсайдер ибораси махфий, яширин ёки ёпиқ маълумотлар ва биллиmlарга эга бўлган мутахассисга тегишли. Инсайдер ўзига маълум бўлган маълумотлардан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бирга ва бошқа манипуляциялар орқали компанияларнинг акциялари котиловкасига таъсир қилади.

**Хакер.** Ахборот-технологиялари соҳасида малакаси ўта юқори бўлган мутахассис, компьютер бузгунчиси, компьютер тармоқларидаги ахборот хавфсизлик тизимини бузувчи шахс.

Бугун дунё мамлакатлари мазкур глобал муаммога қарши халқаро қонунчиликни тақомиллаштиришга уринмоқда. Кибержиноят тўғрисидаги Будапешт конвенциясига ҳозирги кунга келиб 40 га яқин давлат аъзо бўлган. 2013 йилнинг 17 январда Гаагада кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича Европа маркази расман очилди. Янги ташкилотнинг мақсади муаммо

юзасидан халқаро ва минтақавий даражада тергов олиб боришда ахборот, тезкор ва экспортлик хизматларини кўрсатишдир.

Ташкилотнинг эътиборидаги объектлар интернет тармоғидаги уч хил жиноят тури билан чегараланган. Булар молия ташкилотлари ва уларнинг миқозларига зарар етказиш билан боғлиқ уюшган онлайн-фирибгарлик, болалар порнографиясини тарқатиш, энг муҳим инфратузилмалар ва ахборот тизимларига киберҳужумлар уюштиришдир.

Россия давлати ахборот агентликларининг таҳлилига кўра, биргина Россиянинг ўзида 2015 йилда 30 мингга яқин ахборот технологиялари соҳасида содир этилган компьютер жиноятлари қайд этилган. Содир этилган жиноятлардан асосий мақсад моддий фойда қўриш бўлган. Қайд этилган жиноятларнинг 30 фоизини ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари ташкил этган.

Демак, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш бугунги кунда дунёда шиддат билан ривожланиб бораётган ҳамда чек-чегара билмайдиган жиноят экани билан ҳам хавфлидир.

Компьютер жиноятчилиги фарақ ўзгалар мулкни талон-торож қилишигина эмас, балки электрон вирусларни тарқатиш ва бошқа жиноий ҳаракатлари ҳам қамраб олади.

Ахборот технологиялари кескин ривожланаётган ҳозирги даврда шахсий ҳаёт шу даражада ошқоралашмоқдаки, шахсининг шаъни ва қадр-қиммати камситувчи ёлгон маълумотларни тарқатиш, тўхмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган диний экстремизм, сепаратизм ва ақиданарастлик гоялари билан йўғрилган материалларни, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш кабилар оддий ҳолга айланиб бормоқда. Бундан келиб чиқиб, шиддат билан оммалашиб бораётган кибержиноятчиликдан бизнинг давлатимиз ҳоли, дея айта олмаимиз.

Жиноятларнинг олдини олиш ва уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ва бу борада эндигина ҳаётимизга кириб келаётган муносабатларда юзага келадиган жино-

Бахтиёр АХУНОВ,  
Бош прокуратуранинг ОУК кафедраси  
бошлиғи вазифасини бажарувчи

ятларни ўрганиш бизнинг асосий вазифамиздир. Республикада ахборот тармоқлари, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базалар яратилган. Хусусан, Конституциямизнинг 29-моддасида "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир", деб белгилаб қўйилган.

2003 йил 11 декабрда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва 2007 йил 25 декабрдаги "Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айтиш қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Жиноят кодексига ўзгартириш киритилган бежиз эмас. Ушбу ўзгартириш асосида Жиноят кодексига алоҳида, яъни "Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар" деб номланган XX' боб пайдо бўлди.

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби жиноятлар ушбу бобга жамланиб, улар учун тегишли жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, тўбора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнида бу каби ҳуружлардан, кибержиноятлардан сақланиш, уларга қарши курашиш учун ҳар бир шахсининг ҳўшёр ва огоҳ бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамияти тўғрисида ёшларимиз орасида профилактика-тушунтириш ишларини кучайтириш мақсада мувофиқдир.

## Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати

Бош Қомусимизда муҳрланган айбсизлик презумпцияси инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мувофиқ келади. Бу таъмин Конституция асосида қабул қилинган кўплаб қонунларда янада кенг-роқ ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Хабеас корпус" институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи О.Ҳайитов ва бошқалар мамлакатимиз Конституциясида инсон

ҳуқуқларига оид мустаҳкамлаб қўйилган нормаларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига замин яратаётганини таъкидлашди.

Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамлигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганининг амалий натижасидир.

Мамлакатимиз суд тизимида кейинги йилларда замонавий демократик талаблар асосида амалий чора-тадбирлар рўйбга чиқарилди. Жумладан, жиноят иши юритишда суд назоратини мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини тақомиллаштириш мақсадида "Хабеас корпус" институтининг қўлланилиши кенгайтирилди. Жино-

ят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди. Судгада иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш каби процессуал мажбурув чорасини қўллаш ваколати судларга берилди.

2014 йил 5 сентябрдан жиноят-процессуал қонунчиликка уй қамоғи тартибидеги эҳтиёт чорасининг киритилиши "Хабеас корпус" институти нормаларини янада кенгайтирди. Бу жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароит яратишда муҳим ўрин тутди.

Олий суд пленумининг "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тартибидеги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори бу борада ягона суд ама-

лиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак, 2008 йилдан 2016 йилнинг биринчи ярмигача судлар томонидан қамоққа олиш тартибидеги эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича судларга келиб тушаётган илтимосномалар сони йил сайин камайиб бормоқда. Бу эса суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин натижасидир.

Олий суд судьялари, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимлари иштирок этган тадбирда мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

# Иқтисодий таҳдиднинг замонавий кўриниши

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш сари интилар экан, бу борада қонунчиликни мустақамлаш, қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замонавий шароитда давлат ва жамият барқарорлигига раҳна солувчи таҳдидлар қаторида мамлакатнинг иқтисодий асосларига зарар етказувчи омилларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар нафақат давлат иқтисоди, балки жамият фаровонлиги ва барқарорлигини ҳамда фуқароларнинг молиявий аҳволини оғирлаштирувчи оқибатларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда юқорида айтилган иқтисодий таҳдидларнинг ўта долзарб ва салбий таъсир кучига эга бўлган турларидан бири — ҳорижда "молиявий пирамида" номини олган фирибгарликнинг замонавий кўриниши ҳисобланади. "Молиявий пирамида"нинг илк кўриниши XVIII асрда вужудга келган. 1720 йилда шотландиялик "устамон" Жон Ло томонидан Францияда амалга оширилган ушбу фирибгарлик тадбири натижасида бутун бошли Франция давлати ўта шиддатли инқироз ёқасига келиб қолган.

Бир қараганда жозибдор ва тез орада катта бойликка шама қилувчи фирибгарликнинг бундай тури тинимсиз равишда иштирокчиларни, оддийроқ қилиб айтганда, меҳнат қилмасдан, ўз маблағини жуда қисқа муддатда камида икки мартаба кўпайтириб олиш ваъдасига ишонувчи фуқароларни жалб қилишга асосланган. Бошқачасига буни ишонувчан фуқароларни "шилиш"



деса ҳам бўлади.

Бундай пул маблағларини жалб қилишга доир ноқонуний фаолият жараёнида аввалги бўғин учун ваъда қилинган "осон пуллар" кейинги бўғин иштирокчиларининг пул маблағлари ҳисобига тўланади.

Айтиш керакки, ушбу фирибгарлик ҳар қандай кўринишларида ҳам тез тугаши ва ўзининг ягона оқибати сифатида минг-минглаб, ҳатто миллионлаб алданган фуқароларнинг қасдини келтириб чиқариши тайин. Чунки, унинг амал қилиш жараёни геометрик прогрессия қонуниятига бўйсунмади. Статистик маълумотларга кўра, ушбу воситага пул тиккан фуқароларнинг 5-10 фоизигагина ўз маблағини қайтариб олиши мумкин, бу ҳам ҳар доим эмас.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ушбу иллатни таъкидлаш, унга қарши курашиш ва унинг учун оғир жазоларни белгилашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, ушбу жиноий қилмиш учун АҚШ, Буюк Британия,

Германия, Италия, Франция ва Австрия каби давлатлар қонунчилигида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу фирибгарликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва зарарли оқибатларининг келиб чиқишига йўл қўймаслик долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу борада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу қилмишга қарши кураш чораларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг белгилини аниқ муддаодир. Шу мақсадда, 2016 йилнинг 23 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида "Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятнинг амалга ошириш ва бундан илгарти олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятнинг амалга ошириш ва бундан илгарти олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулкни ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилиши-

ни таъминлаш, худди шунингдек мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодлик чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Шунингдек, ушбу қилмишлар кўп миқдорда, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, шунингдек, ушбу ҳаракатларни содир этиш жойи сифатида оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, Интернет жаҳон тармоғи кабилардан фойдаланилган бўлса, бунинг учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланди.

Бундан ташқари, ушбу қилмишлар жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган

Алимардон АҲМАДОВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
прокурори

да етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Айтиб ўтиш керакки, пул маблағларини жалб қилишга доир ноқонуний фаолиятга қарши курашишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ушбу қонун нормасининг қабул қилиниши билан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини шончли ҳимоя қилиш учун мустақкам ҳуқуқий замин яратилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқароларимизнинг молиявий аҳволи ва мол-мулк, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳақида давлатимиз қайғуртиш чукр эътироф ҳамда хурматга сазовордир. Шунингдек, қонунчиликка киритилган ўзгартиришларнинг нафақат тегишли давлат органлари ва муассасалари, балки фуқаролар томонидан ҳам чукр англаб етилиши кўпгина салбий ҳолатларнинг олдини олади. Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун нормасининг амалиётга татбиқ қилиниши фуқароларни турли фирибга асосланган алдовлардан ҳимоялабгина қолмасдан, ҳалол, ижтимоий-фойдали меҳнатга асосланган ҳамда нафақат ўзи, балки давлат ва жамият учун ҳам манфаатли бўлган турмуш тарзи билан яшаш учун йўриқ сифатида хизмат қилади.

Тадбир

## «Авесто» — энг кўҳна ҳуқуқий норма

Тарихдан маълумки, "Авесто" юртимиз тарихини ўрганишда дастлабки ёзма манба ҳисобланади. Ушбу тарихий манбада халқимиз тарихининг энг кўҳна даврлардаги ҳаёти, турмуш тарзи, ахлоқий қоидалари, урф-одатлари, диний эътиқоди, касб-корлари ва бошқа халқлар билан бўлган иқтисодий-маданий муносабатлари акс эттирилган. "Авесто"да шунингдек, инсон ҳуқуқларини улуғлаш, инсон ҳуқуқларига оид кўплаб қоидалар ҳам зикр этилган.

Луқмон АСАТОВ,

Самарқанд вилоят ҳужалик суди судьяси

ҳаққоний ҳаёт тарзи бўлиши кераклиги қайд этилган бўлиб, инсон ҳаёти давомида бошқа инсонларга яхши фикр айтиши ва яхши иш қилиши лозимлиги таъкидланган. Зардуштийлик ахлоқининг 3 та асосий қоидаси бўлган. Булар — эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал. Ушбу 3 та асосий қоидага амал қилган инсоннинг қалби пок бўлган ва соғлом фикр юритган. Инсон яхши фикрга эга бўлса, жаҳолат ва разолатга тушмайди, бошқа инсонларга нисбатан фарзгўйлик қилмайди.

"Авесто"да инсон яшаш тарзининг мезони сифатида ростгўйлик, тўғрилик, ҳалоллик, поклик каби сифатлар кўрсатилган. Унда таълим-тарбия масалаларига доир фикр ва қоидалар белгиланган бўлиб, инсоннинг маърифатли ва меҳнатсевар бўлишига тааллуқли гоёлар акс эттирилган. Жумладан, ўша даврда таълим-тарбия ҳаётининг муҳим тамойили сифатида эътироф этилиб, ёшларнинг билим олишларига алоҳида эътибор қаратилган. Болаларга диний, ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзиш ўргатилган. Зардуштийлик таълимотида кўра, маърифат ва билимнинг кучига ишонган инсонгина жамиятда юксак ҳурмат қозониши ва обрўга эга бўлиши, охир-оқибат маърифат галаба қозониши илгари сурилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Авесто"да қайд этилган гоё ва қоидаларни ҳозирги давр ёшлари кўпроқ ўрганишса, кундалик ҳаётда амал қилишса, бошқаларга хурматда бўлиб, жамиятда қонун-қоидаларга риоя қилишса, келажакда мамлакатимиз ривожга ўзларининг катта ҳиссасини қўшадиغان шахслар бўлиб етишишса.

Бухоро вилоятда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамкорлигида "Фуқароларнинг коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий онгини ошириш масалалари" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

## Муҳим аҳамиятга молик масала

Моҳира ШАКАРОВА,

«Huquq»

Унда вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нодавлат нотариот ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари коррупциянинг жамиятга таъсири, унинг тарихий илдизлари ва давлат, фуқароларга етказиладиган иқтисодий зарари, унинг турлари ҳамда унга қарши курашишнинг қонунчилик меъёрлари, коррупция ҳолатларига қарши курашишга доир амалий усуллар мавзуларида маърузалар тингладилар.

Тадбирда мавзуга оид тайёрланган видеороликлар намоиши иштирокчиларнинг коррупция маънавий таҳдид эканлиги ҳақидаги тушунарларини янада бойитди.

Шунингдек, семинарда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш масалалари бўйича ОАВ ва ННТ вакиллари ўртасида кенг ҳамкорликка доир қўшма медиа режа ишлаб чиқилди. Иштирокчиларга ижтимоий шериклини ўрнатилган нималарга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича тушунтиришлар берилди.

Тадбир якунида маърузалар ҳамда ўртага ташланган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан жавоблар берилди.

Инсон дунёга келибдики, яхши яшаш учун бутун умри давомида интилади. "Интилганга толе ёр", деганларидек, кимдир аввалроқ, кимдир эса бироз кейинроқ бўлса ҳам ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Албатта, бунинг учун, энг аввало, қобилият, билим ва ҳатти-ҳаркат, доимий изланиш, ўз устида мунтазам ишлаш лозим бўлади.

**К**имдир ўз олдига қўйган мақсадига етишиш учун мустақил интилса, яна кимдир бунга бошқаларнинг ёрдами билан эришишга ҳаракат қилади. Иши битмай қолганида эса "тушиб қолдим, пулга куйдим, алдандим", деб афсусланади. Нега? Хўш, кимларга ва нима учун алданяпмиз ўзи?

Ота-боболаримиз қаллоблик, ўғирлик ва кишилар мулкига кўз олайтиришдан ҳазар қилганлар. Бировнинг боғи ёнидан ўтаётган, кўчага тўқилган олмани олиб, девор устига қўйиб кетганлар. Бироқ, техника асри, деб ном олган ҳозирги даврда меҳнатсиз даромад топишни, ўзгаларни алдаб пул топишни ўзига "қасб" олишга интилувчилар кўп урамоқда.

Ботир Муқимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ҳам ёшлигидан изланувчан, шижоаткор бўлганлиги, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш, етук мутахассис бўлиб етишиш мақсади уни олий ўқув юрти остонасига етаклаб келган бўлса, ажаб эмас. Ўзбекистон Миллий университетининг киём-биология факультетига ўқишга киргач, фақат яхши ўқиш учун интилди. Унинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари албатта бесамар кетмади. Ботирнинг муваффақиятлари га ҳавас қилувчи ёшлар кўп эди. Ботирнинг оилавий шароити бироз оғирроқ бўлганлиги сабабли ўз иқтидорига ва билимидан унумли фойдаланиб, ўқиб юрган кезларидаёқ олий даргоҳ талабаси бўлиш истагида бўлган ёшларни ўзининг яшаш хонадонидида ўқишга тайёрлаш билан шуғулланиб, дастлабки мустақил даромадини топишни йўлга қўйди.

Ботир бу ишни бошлаганидан буён ўтган давр ичида у тайёрлаган абитуриентларнинг бир нечаси олий ўқув юртиларига ўқишга кириб кетганликлари сабабли унга нисбатан фуқароларнинг ишончи ортиб, олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ҳам унинг олдига келаётган абитуриентлар сони янада кўпайди.

2013 йил март-апрель ойларига пискентлик Б.Салимов икки нафар фарзандини Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга киритиш масаласида Ботирга мурожаат қилади. Лекин Ботир тайёрлаш учун вақт ўтганлигини, энди фақатгина пул билан ўқишга киритиш мумкинлигини ва бу масалани ўзи ҳал қилишни айтиди. Б.Салимов бунинг учун қанча пул бериши кераклигини сўраганида, икки кишига 12 минг АҚШ доллари бўлишини маълум қилди. Б.Салимов ўйлаб кўргач, бу таклифга рози бўлди ва келишилган 12 минг АҚШ долларини беради. Бироқ, Ботир Б.Салимовга берган ваъдасининг устидан қолмайди. Лекин бу омадсизлик Ботирни руҳан тушкунликка туширмайди. Аксинча, у пулни нафақат абитури-



## Нафс йўриғи...

ент тайёрлаш орқали, балки шу йўл билан ҳам топиш имкони борлигига ишонч ҳосил қилади.

Б.Муқимов 2013 йил сентябрь ойи бошларида, Самарқанднинг Иштихон туманидан бўлган, Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи босқич талабаси Анвар Рустамов исмли шахс билан танишиб қолди. Гапга чечан, бунинг устига ўқишга киритиш борасида бироз "тажриба"си бўлган Ботир унга ўзининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида ишлашни, агар олий ўқув юртига кирувчилар бўлса ёрдам бериши мумкинлигини ўзаро суҳбат орасида кистириб ўтади. Бу албатта, ўз самарасини бермай қолмайди. Ўша йил сентябрь ойининг ўрталарида Анвар ҳамқишлоғи фуқаро Мухтор Турсуновни Ботир билан таништиради. Бу одам қизи Ўзбекистон жаҳон тиллари университетидаги ўқишга кира олмаганлиги учун ундан ёрдам беришини сўрайди. Ботир ўзини дадил тутиб, ушбу олий ўқув юртига қўшимча ўринга ўқишга киритиб қўйишнинг баҳоси 5000 АҚШ доллари бўлади, дейди. М.Турсуновнинг таклифига рози бўлгач, дастлаб 2500 АҚШ доллари, қизи ўқишга кирганлигини билганидан сўнг эса қолган 2500 АҚШ долларини беради. Иш шу тарзда муваффақиятли ҳал бўлгач, Ботирнинг Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Иштихон туманларида абитуриентларни олий ўқув юртига ўқишга киритиб қўйиш "имкониёти" ҳақидаги гаплар тезда тарқалиб кетади. Бу эса Анвар ва М.Турсуновлар орқали Ботирга ўқиш масаласида мурожаат қиладиган фуқаролар сонининг кескин ортishiга сабаб бўлади. 2013 йил октябрь ойида Анвар орқали Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида яшовчи Одил Нориевдан қизини Самарқанд Давлат университетига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 3000 АҚШ доллари олади.

Б.Муқимов ҳамтовоқлари М.Каримов ҳамда М.Турсуновларнинг кўмағи билан халқ тилида айтганда "енглиннинг остидан, огирининг устидан" қабилида иш тутиб, меҳнатсиз, осонлик билан олий ўқув даргоҳга ўқишга кириш истагида бўлган фуқароларнинг ишончига кириб, фибрибгарлик йўли билан улардан жами 108 минг 300 АҚШ доллари миқдоридида пул маблағларини қўлга киритишга

муваффақ бўлган.

Аммо ушбу жиноий гуруҳ аъзоларининг иши ҳар доим ҳам силлиқ кечавермаган. Хусусан, жиноий ҳаратоқларга пул берган фуқаролар фарзандлари ўқишга кирмаганлигини билгач, улардан пулларни қайтаришни сўрашган. Б.Муқимов ва унинг шериклари олинган пулларни алданган фуқароларнинг айримлари га оз-ўздан, жами 60 минг 100 АҚШ долларини қайтаришга мажбур бўлишган. Пулларнинг қолганини эса Б.Муқимов ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бироқ, Б.Муқимов омади келмай қолган пайтларда сира ташвишга тушмасди. Боиси у хйла-найрангнинг янги усулларини ўйлаб топганди. Хусусан, бу шахс 2015 йилнинг октябрида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида тахсил олаётган бухорлик Дилмурод Комиловни алдаб, унга ўзининг Молия вазирлигида ишлашни айтиди. Елгонни сув ичгандай қийналмасдан гапиршига ўрганган Б.Муқимов жабранувчи Д.Комиловни Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмаганлиги учун ўзининг номига уй сотиб олиб, кейинчалик Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтгандан сўнг унинг номига расмийлаштириб беришига ишонтиради. Катта идоранинг "мансабдор"и билан танишиб "бахт"ига муяссар бўлган Д.Комилов эса Ботирнинг галига лақақ тушиб, нақд 12 минг 200 АҚШ доллари миқдоридида пулни беради. Лекин орадан ойлар, йиллар ўтса-да, ваъда қилинган уйдан ҳам, берилган пулдан ҳам дарак бўлмайди. Аслида бу найранг эди, Ботир пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганди.

2015 йилнинг декабрь ойида ТТЗ даҳасидида "Ширин" дехқон бозорида Ботир ўзига эски таниш бўлган Акрам Камоловни учратиб қолади. Бу шахс Тошкент шаҳрида шифокор бўлиб ишларди. Улар ўзқ вақтдан буён қўришмаганлиги учун Ботир уни оватлангишга таклиф қилади. Ўзаро суҳбат жараёнида Ботир ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орданда, юқори лавозимлардан бирида ишлаётганлигини кистириб ўтади. Бироз гаплашиб ўтиришгач, Ботир Акрамга ҳамқишлоғи Мухриддин босқинчилик қилганлиги учун қамалиб қолганлиги, ҳозирда тергов кетаётганлигини, уни

**Хурсанали РАПИКОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма  
АМИБ терговчиси

чиқаришга ёрдам бериши мумкинлигини, лекин ўзининг нозик жойда ишлашни рўқач қилиб, Мухриддиннинг яқинлари билан Акрамнинг ўзи гаплашиб, пули тайин бўлса, орданда бирга ишлайдиган Музаффар исмли шогирди бу иш билан шуғулланишини билдиради.

Акрам телефон орқали Мухриддиннинг яқинларига вазиятни тушунтирганида, Мухриддиннинг отаси бунга розилик бериб, яқин қунар ичида Тошкентга етиб боришини айтиди.

Ишнинг бу тарзда силлиқ кўчишни кутмаган Ботир вазиятни тезлик билан ҳал этиш учун, аслида орданда эмас, балки Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирида уста бўлиб ишлаётган Музаффар Рахимовни топиб, уни Акрам билан таништириб қўйди.

Орадан икки кун ўтиб, Ботир яна Музаффарнинг олдига келиб, Акрамнинг ҳамқишлоғи Мухриддин исмли шахсда 10 минг АҚШ доллари миқдоридида ҳақи борлигини, Мухриддин эса айни пайтда қамалиб қолганлигини, унинг ота-онаси Акрамдан ўғлини қамокдан чиқаришга ёрдам беришни илтимос қилаётганлигини, ушбу фурсатдан фойдаланиб Акрам пулларини ордандан ундириб олмақчилигини ва унга уларнинг ёрдами керак бўлишини айтиди. Бироз ўйланиб тургач, Музаффар:

— Бу ишда уларга қандай қилиб ёрдам бероламиз? — деб сўраганида, Ботир унга:

— Мухриддиннинг уйдаги лари мени яхши билишади. Шунинг учун Акрам сизни қамокдан чиқарадиган одам деб кўрсатади, сиз уларга ҳақиқатан ҳам шундайлигини тасдиқлаб, пулни оласиз. Албатта, бу ишингиз учун қуруқ қолдирамаймиз, — деб ишонтиради.

Орадан 4-5 кун ўтиб, Акрам Музаффарга Сергели туманидаги бир кафега келишини бораганида, Акрам уни ичкарига таклиф қилиб, бир стол атрофида ўтирган одамлар билан таништириб, уни муаммони ҳал қилувчи шахс деб таништиради. Абдулла ака (Мухриддиннинг отаси) ундан қаерда ишлашни сўраганида: "Сиз мени қаерда ишлашимни би-

лишингиз шарт эмас, асосийси, сизларнинг ишингизни битириб берсам бўлди", деб гапни қисқа қилади. Абдулла ака муаммони тушунтирганидан кейин Музаффар бу масалани ўрганиб кўриши ва жавобини Акрам орқали айтишини билдириб, чиқиб кетади.

Орадан 3-4 кун ўтиб, унга Акрам телефон қилиб:

— Абдулла ака пул билан Тошкентга келаяпти. Кечки пайт соат 20:00 ларда Сергелидаги "Макро" супермаркети ёнидаги кафега етиб келинг, Ботир ҳам келади, — деб тайинлади.

Музаффар кафега етиб борганида Акрам уни кўриб олди га келади ва Абдулла ака ичкарида ўтирганлигини, улар билан кўришиб, Абдулла акадан 7000 АҚШ долларини олишини айтганида, Музаффар:

— Мен ичкарига кирмайман, Яхшиси, Абдулла аканинг ўзини шу ерга қақиринг, ишни шу ерда ҳал қиламиз, — дейди.

Бу гап Акрамга ҳам маъқул келиб, ичкарига кириб Абдулла акани қақириб чиқади. Музаффар у билан саломлашгач:

— Иш нима бўлди ака? — деб сўрайди.

— Ҳаммаси сиз айтганингиздек, — дея Абдулла ака унга костюмининг ички чўнтагиндан қоғозга ўралган пулларни уза-тади.

— Ҳисоби тўғрими ишқилиб, — дейди Музаффар жиддий оҳангда.

— Ука, сиз хижолат бўлманг, тўппа-тўғри, — дея жавоб беради Абдулла ака.

— Ўғлингизни ҳамда жиянингизни қамокдан чиқариб бериш жавобини Акрам орқали етказаман, — дея Музаффар пулларни олади-да, аввал келишилганидек, Ботир ўтирган бошқа бир кафега боради. Ботир билан кўришганидан сўнг Абдулла акадан олган 7 минг АҚШ долларини унга тутказди.

Орадан 20 минут ўтиб Акрам ҳам етиб келади.

Шунда Музаффар Акрамга: — Айтилган пулни олдим, лекин бундан бирон-бир муаммо келиб чиқмайди ишқилиб, — деб сўрайди.

— Бу сизларнинг муаммоларингиз эмас, бир ҳафтадан сўнг Абдулла акани қақириб, унга ўғли Мухриддин мендан бир ишни битириб бериш эвазига 10 минг АҚШ доллари олган, шунинг учун ушбу 7 минг АҚШ долларини ўша пулар ҳисобидан деб айтман, — дейди Акрам.

Шундай қилиб, бу галги фирмилар ҳам жуда силлиқ кечади.

Ботир қундалик ҳаётида юқоридидаги каби биргина ишни бажариш билан чекланми қолмасди. Аксинча, у бир вақтнинг ўзида бир неча одамларнинг "хотатини" чиқаришга ҳаракат қиларди. Жумладан, Абдулла аканинг ўғлини қамокдан чиқариб бериш устида "ишлаётган" вақтда танишлари орқали Чирчиқ шаҳрида яшовчи Наиля Одилова исмли аёлнинг уйига бориб, ўзини ордан ҳодими деб таништиради. Аёлнинг ишончига киргач, бироз пул керак бўлиб қолганлигини айтиб, 1500 АҚШ доллари миқдоридида пулни олишга муваффақ бўлади ва гўёки ўзини қонун доирасида ишлашини кўрсатиш учун автомашинасига ўрнатилган газ баллон учун берилган гувоҳноманинг ички томонида ручка билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, деган сўзларни ёзиб, ушбу гувоҳнома нусхасига қарз олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беради.

*(Давоми 11-бетда)*

# ЖОҲИЛ КУЁВНИНГ ЖАНЖАЛИ Йиллар ўтиб, фожиа билан тугади

— Дадаси, куёвингиз меҳмонга чақиряпти, бориб келамизми? — деди Зухра опа (жабланувчиларнинг исм-фамилиялари ўзгартирилган) томорқадан чиқиб келаётган эрига.

— Қандай бўларкин? Ўғлинг ҳали тўйнинг қассетасини ҳам тайёр қилгани йўқ. Қизингни безовта қилиб қўймасмикинмиз?

— Юрақолинг энди. Қассетани кейинроқ олишар. Баҳонада улардан хабар олиб қайтамиз.

Кечга яқин Зухра опа эри билан куёвининг уйига борди. Зоира келинлик либосида янаям очилиб кетганлигини кўриб, "илойим, бахтли бўлгин", дея дуо қилишди. Куёв ҳам қайнона-қайночасини илиқ кутиб олди...

— Тўйнинг қассетасини олиб келишмадими? — сўради Дилшод меҳмонлар кетгач дастурхонни йиғиштираётган хотинидан.

— Ҳали тайёр бўлмади. Кейинроқ келтириб беришаркан, — деди Зоира эрига жилмайиб.

Бу жавобдан Дилшоднинг кайфияти бузилди. Хотинига зарда қилди.

— Уканинг тайини йўқлигини бошдан билардим. Бошқа видео-чи қақрасам бўларкан. Ҳе, уруғини...

Зоира биринчи бор бундай ҳақоратли сўзни эшитишни эди. Эрига анграйиб қараб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб, "Битта қаскета учун сўқиниш шартми", деди.

Дилшод жавоб бериш ўрнига Зоиранинг юзига тارسаки туширди. Ҳали чилласи ҳам чиқмаган келинчақ учун бу қутилмаган зарба бўлди. Зоира олдинда уни бундан ҳам баттар қўрқулиб қутиб турганини ҳали билмасди.

Орадан йиллар ўтди. Ондада фарзанд дунёга келди. Дилшод тез-тез ичиб келиб, тўплон қўтарар, кейин муштира эрк берарди. Ёшгина аёл эрининг асосис зуғумлари остида кун сайин ҳаётдан беиз борарди.

Орадан ўн йил ўтса-да, Дилшоднинг феъли ўзгармади. Баъзан кўчадан эшитган гийбат гаплар, баъзан эса арзимеган баҳона сабаб Зоирага кун бермади. Аёл бу ҳўрликларга чидай олмай, ўз жонига қасд қилди. Хайриятки, шифокорларнинг ёрдами билан унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Хотиннинг бу ҳаракатидан Дилшоднинг бир муддат кўзи очилгандек бўлди. Бирок кўп ўтмай, эски одати қўзиб, яна Зоирани калтаклай бошлади.

## Ўйламай қилинган иш...

Хатти-ҳаракат, фикрлаш ва мантиқ, одамга қўйган мақсадга қараб одамнинг қандай тоифага мансублигини, унинг нияти хонис ёҳуд қабихлигини билиш қрийн эмас. Энг ачинарлиси, бундай кимсаларни манфаатлар бирлаштириб, жиноят кўчасига етаклайди.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани "Бодо" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 1991 йилда туғилган Ҳабиб Қахрамонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Зиёвуддин шаҳарчасида жойлашган "Бек" тўйхонаси ёнида жойлашган барда Азизбек Мардонов билан пивохўрлик қилди. Иккинчи боқалдан кейин фикрлари чалқшиб кетмаверди. Учинчи боқал бўшаганда эса спиртлик ичмалик биров таъсир қилиб, ўзини доно ҳисоблаётган Ҳабибнинг нияти бузилди. Шу вақт қўл телефони жингиллаб қолди.

— Ал...ё... Ҳа, гапиравер Мамадали, — деди у эски қаддродининг овозини таниб.

— Учрашаск бўладими, жўра?

— Жуда бўлади-да...! Қаерда қўришамиз?

— Ҳайи биласан-ку...

Бардан 1 литрлик баклашқада пиво олиб, йўлга отланишди. Пивохўрлик билан бошланган улфатчиликда жиноят режаси тузилди.

— Йўқ демасаларинг, бир "план" бор, — деди талмовсираб Ҳабиб. — "Черёмушка" дан ўтган темир йўл атрофида қурилиш ишлари кетмоқда. Қоровуллар билан келишса бўлади.

— Нимани келишамиз?

— Нимани бўларди, аматураларни арзон нархда

Жамшид ХОЛИҚОВ,  
Қашқадарё вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

борди. Эрининг маст бўлиб тўплон қўтарайотганини айтди. Шу кун Дилшодни наркология диспансерига олиб кетишди. Зоира ўғлини етаклаб отасининг уйига борди.

Дилшод диспансердан чиқиб, уйига келганида хотини ва ўғли ҳали қаймаганди. Бу орада Янги йил яқинлашиб қолганди. Байрам ўтиб ҳам хотини қаймаган, баттар жаҳли чикди. Хотинини ўлдириб, ундан қутулишга аҳд қилди. Ошконадан пичоқ олиб, қайночасининг уйига йўл олди.

— Бу ёққа кел!

Баҳромжон ортига ўгирилиб, отасига қўзи тушди. Кейин қўрқиб онасининг олдига югурди. Дилшодга бу ёқмади. Ўғлини яна чақирди. Баҳромжон, агар келмаса, дадаси онасини калтаклашини билиб, унга секин яқинлашди. Дилшод ўғлини бўйи баравар қўларди. Сўнгра "Нега чақирган вақтима келмайсан?", дея ерга улоқтирди. Баҳромжон оғридан инграб юборди. Буни кўрган Зоира боласига ёрдамга ошдики.

— Инсофнинг борми? Шунчалик-ка ҳам борасанми? Ахир, ўз боланг-ку! — кўксига йиллар давомида йиғилиб ётган ҳўрлик бosh қўтариб, Зоира илк бор эрига тик гапирди. Ўзига нисбатан қўрсатилган зуғумларга чидаган она боласининг бу ҳолига чидай олмади.

Зоиранинг фарёдини эшитиб, оиланинг бошқа аъзолари ҳам тўплана бошлади. Дилшод қочиб, кўчага чиқди. Зоира ўғлининг юз-кўзини артиб тураркан, Дилшод яна қайтиб келди. Бу сафар ўғлининг юзига тارسаки туширди. Бола мувозанатини йўқотиб, ҳовлидан ўтган ариққа йиқилди. Дилшод эса вазиятдан фойдаланиб, боласини қўтаришга уринаётган Зоиранинг бўйига пичоқ санчди...

Ҳовлида қий-чўв қўтарилди. Бу воқеани кўриб, бозордан қайтаётган Зухра опанинг эси оғабди. Зоиранинг жонис танасини қўчиб, ўқириб йилғарди...

Ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича вилоят суди Дилшод Нарзиевга узил-кесил 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Мэлс НАИМОВ,  
Бухоро транспорт прокурори

олиб сотамиз.

— Улар рози бўлишмаса-чи?!

— Рози қиламиз...

"Дамас" бир зумда "Черёмушка" да пайдо бўлди. Жиноий шерикликка яна бир киши — Зокиржон Обидов ҳам тақлиф қилинди. Ярим тунги тақлиф негадир Зокиржонни ажаблантирмади.

Тунги соат 2:00ларда қурувчилар ётган вагон-уй эшиги очиб бўлганиги боис, ичкирига бемалол кириб борган Ҳабиб олдиндан таниши бўлган Дилмуродни уйғотди. Келишилганидек, аматураларни олиб кетиш учун келганини ва нархга келишиш лозимлигини тушутирган бўлди. Орада Ф.Раҳимов ва Т.Тўхтаев ҳам уйғонишди. Аматуралар жойланган контейнер калити йўқлигини билдиришди. "Чақирилмаган меҳмонлар" излаб калитини топиб оlishди. 780 килограмм 10 мм ли аматураларни қоровуллар қўмагиде ўмарган жиноятчилар уларга қўшиб перфоратор, дрель, 60 метр кабел ҳамда тахталарни ҳам олиб чиқошди. Келишилганидек, Дилмурод Қараевга 65-70 минг атрофида пул берган тўдабосининг кўнгли тинчигандек бўлди. Бирок ўйламай қилинган иш бошига ташвиш келтиришини ҳаёлга ҳам келтирмади.

Жиноятчиларга шерик бўлиб, ўзларига ишониб топширилган давлат мулкни ўмариб кетишга имкон берган Ф.Раҳимов, Д.Қараев, Т.Тўхтаевларга ҳам тегишли ҳўқуқий қоралар қўрилди. Жиноий режа тузиб, давлат мулкига қўз олайтирган кимсаларга эса суд ҳўкми билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



Хусусий уй-жой мулкдорлари уюшмаси раиси Исакжон Собиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) унга қўнғироқ қилиб, уларнинг ширкатида текширув бошлангани, шу боис 2014 йилдан 2016 йилнинг биринчи чорагигача бўлган ҳисоботларни туман прокуратурасига мутахассис сифатида жалб қилинган Ҳақим исми одамга олиб бориб бериш кераклигини айтиб қолади.

## Раиснинг режаси барбод бўлди

Акмалжон МИРЗАКАРИМОВ,

Сергели туман прокурорининг ўринбосари

Уюшма раиснинг гапларини эшитиб бўлгач, гўшақни жойига қўйган мазкур ширкат бош ҳисобчисининг кўнгли негадир гашланди. Топшириқни бажариб, ҳужжатларни берганида, Ҳақим исми мутахассис энди қайта ҳисоблаш далолатномаларини олиб келиб беришни сўради. Бу ҳолат бош ҳисобчининг янада ажаблантирди. Бундай ҳужжатлар йўқлигини айтди ва бу ҳақда тилхат ёзиб берди.

Эртасига ширкат бошлиғи телефон қилиб, уюшма раиснинг таъкидлашича, уларнинг ширкатидан 241 миллион сўм камомад чиққанини айтганида қулқларига ишонмади, ҳайрон бўлди. Хавотири беҳиз эмаслигига амин бўлди. Шундай бўлса-да, ўзини қўлга олиб, уюшма раиси Исакжон Собировга қўнғироқ қилиб, бунча камомад чиққиси мумкин эмаслигини айтган эди, раис уни тинчлантирди. "Опа, сиз хавотир олманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Эртага қўришиб олишимиз керак. Қаерга келишингизни ўзим қўнғироқ қилиб айтман", дея унинг кўнглини кўтарган бўлди.

Дарҳақиқат, эртасига уюшма раиси телефон қилиб, учрашув жойини белгиледи. Икки соатча вақт ўтгач, қўришишди. И.Собиров уни яна бир бор тинчлантириб, "Ҳозир Ҳақим билан гаплашманг", деди-да, қўл телефони олди ва рақам терди. Шу пайт қутулмаган ҳолат юз берди. И.Собиров телефонда гаплашар экан, айнан унинг қўлидаги, ўзи "гаплашаётган" телефони жингиллаб қолди, бундан бош ҳисобчи хайратта тушди. Боиси банд бўлиб турган телефон бошқа қўнғироқни қабул қилиши мумкин эмасди-да. Бош ҳисобчи буни суҳбатдошига сездирмади. Бу ҳолдан бироз саросимага тушган И.Собиров кейинроқ ўзи телефон қилишини айтиб, кетиб қолди.

Соат 17:00да И.Собиров бош ҳисобчига қўнғироқ қилиб, ўзлари боягина учрашган жойга чақирди. Опа етиб келгач, Ҳақим ишни ҳал қилиш учун 600 АҚШ доллари сўраётганини айтиб, пулни тешлаштиришни тайинлади. Бош ҳисобчи ҳозир бунча пули йўқлигини, бир соатларда топиб, ўзи хабар қилишини ваъда қилди. Аммо айтилган вақтда пулни топа олмади ва бу ҳақда И.Собировга СМС орқали хабар юборди. Кўп ўтмай И.Собировдан кечки соат 20:00гача вақт борлиги, ҳаракат қилиш кераклиги, лафз қилганлиги ҳақидаги жавоб келди. Ҳисобчи энди эрталабгача муҳлат сўради.

Бирок у эртасига ҳам пул тополмай, СМС орқали ёзиб юборди. И.Собиров унга жавоб бермай, телефон қилди-да, пулни топмаса бўлмаслигини қатъий тайинлади. Бош ҳисобчи шундан кейин Ҳақим ўзи гаплашиб қўришга қарор қилди-да, зудлик билан унинг ёнига йўл олди. Учрашгач, бунча камомад чиққисига ишонмаслиги, шунингдек, у айтган пулни тополмаганини айтиб, ёрдам беришни сўради. Унинг гапларини эшитган Ҳақим ҳам аввалига ҳайрон бўлди. Ундан ким пул сўраётгани билан қизичқан эди, бош ҳисобчи И.Собировдан келган СМСларни кўрсатди. Ҳақим нотўғри ҳисоблангани учун камомад чиққанини билдириб, бош ҳисобчини хотиржам қилди ва туман ДСИга кириб, ёзиб беришни тайинлади. Орада И.Собиров яна телефон қилиб, пул ҳақида сўрай бошлади. У ҳали пул топа олмаганини айтганидан сўнг Ҳақим унга телефон қилиб, туман прокуратурасига тақлиф қилди. Бош ҳисобчи у ерга боргач, бўлиб ўтган воқеани батафсил баён қилди. Кейин ундан текширувни ижобий ҳал қилиб бериш учун 600 АҚШ доллари миқдорда "хизмат ҳақи" сўраётган уюшма раисига нисбатан тегишли чора қўришни сўраб, ариза ёзди.

Шундан сўнг тезкор тadbир ўтказишга тайёргарлик қўрилди, унга махсус ишлов берилган 600 АҚШ доллари берилди, ҳолислар тақлиф этилди. Исакжон Собировнинг навбатдаги қўнғироғидан кейин у пулни топганини айтди ва улар учрашув жойини келишиб олишди. И.Собиров бош ҳисобчидан пулни олиб, шимининг орқа чўнтагига солди-ю, қўлини чиқаришга улгурмади... Шу тариқа уюшма раиснинг қилмиши ошкор бўлди.


Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди ўзи раҳбар бўлатуриб, қўл остидаги ходимини алдаш орқали ундан пул улдирмақчи бўлган, бирок жабланувчининг ҳўшёрлиги туфайли мақсадига эришолмаган бу шахсга икки йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик қўлатилган лавозимларни оғлаш ҳўқуқидан маҳрум қилиб, 3 йил-у 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

## Саудия Арабистони Григориан тақвимига ўтди

Саудия Арабистони ҳукумати 1 октябрдан нефтга нархларнинг тушиши сабабли бир қатор молиявий ислохотлар доирасида григориан тақвимига ўтишга қарор қилди, деб хабар бермоқда оммавий ахборот воситалари.

Маълум қилинишича, вақтни ҳисоблаш тизимидаги бу ўзгариш сабабли мамлакат давлат хизматчилари ҳақ тўланадиган 11 иш кунини йўқотишади.

Саудия Арабистони ташкил топган 1932 йилдан бери ҳижрий-қамарий тақвимдан фойдаланиб келар эди. Шунингдек, Саудия Арабистони давлат хизматчилари сонини 20 фоизга қисқартиришини ҳам маълум қилганди.



## «Ақлли» тўтилар савдоси тақиқланди



Африканинг кулранг тўтилари инсон нутқига мукамал тақдир қила олувчи энг ақлли қушлардан бири ҳисобланади. "СИТЕС" конвенциясига аъзо мамлакатлар вакиллари Африка кулранг тўтилари савдосини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда ташкилотнинг расмий сайтида маълум қилинган.

Шу ҳафтада Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрида Ёввойи флора ва фауна турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенцияга аъзо мамлакатларнинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда эколог ва дипломатлар ёввойи ҳайвонлар ҳаётига хавф солувчи муаммо ҳамда таҳдидларни муҳокама қилишди.

Африка кулранг тўтилари (Psittacus erithacus) савдосини тўлиқ тақиқлаш йиғилишнинг асосий қарори бўлди. Йиғилганларнинг 95 нафари бу қарорни қўллаб-қувватлашган, 35 нафари эса бунга қарши овоз берган.

Ўйқолиб кетиш хавфи остида қолган қушларнинг бу тури тахминан 100 та сўзни эслаб қолиш ва инсон билан суҳбат қуриш қобилияти туфайли сўнгги йилларда жуда харидоригир бўлиб кетганди. Шу боис қонуний савдогарлар ва браконьерлар ёввойи табиатда бу ноёб қушларни оммавий таъқиб қила бошлашганди.

Экологларнинг кузатувларига кўра, 1970 йиллар бошидан буён Африкадан 3 миллиондан ортиқ кулранг тўти олиб чиқиб кетилган.

"Бу қушлар ёввойи табиатда йил сайин йўқолиб бормоқда. Бенин, Бурунди, Гвинея, Гвинея-Бисау, Кения, Руанда, Танзания ва Того давлатлари ҳудудиди улар буткул йўқолиб кетган", — деди Ёввойи ҳайвонларни сақлаш жамияти вакили Сюзан Либерман.

## Бу йилги Нобелнинг илк ғолиби




2016 йил учун тиббиёт бўйича Нобель мукофоти соҳибининг номи маълум бўлди.

Япониялик биолог Ёсинори Осуми тиббиёт ва физиология бўйича 2016 йилги Нобель мукофоти лойиқ топилди. Мазкур мукофот унга ҳужайралар аутофагияси (ҳужайраларнинг ўзини ейиши) бўйича олиб борган тадқиқотлари учун берилди, деб хабар бермоқда хориж нашрлари.

"Бу кашфиётлар ҳужайралар ўз таркибини қандай утилизация қилиши бўйича тушунчаларимизга янги қарашлар олиб кирди. Осумининг кашфиёти ҳужайралардаги физиологик жараёнлар, яъни очликка мослашиш ва инфекцияларга жавоб бериш учун муҳим тушунчага йўл очиб берди", — дейилган "Нобель" хабарномасида.

Алфред Нобель шарафига таъсис этилган мукофотнинг асосий тақдирлаш маросими 10 декабрь кун Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтади.



## «Audi»нинг янги заводи

Шимолий Америкада Германиянинг «Audi» компаниясига тегишли биринчи завод ўз ишини бошлади. У Мексиканинг Пуэбла штати Сан-Хосе-Чьяпа шаҳрида жойлашган бўлиб, кейинчалик завод 4300 нафар кишини иш билан таъминлайди. Корхонанинг қуввати йилга 150 минг автомобиль ишлаб чиқаришни ташкил этади.

Компаниянинг мазкур заводида йиғиладиган илк автомобилнинг тақдироти шу ойда бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда. Бу «Audi Q5» кроссовери бўлиши таъкидланмоқда. Завод қурилишига 1 млрд. евро атрофида маблағ сарфланган.

"Бизнинг Мексикадаги фабрикамиз «Audi» компаниясининг «ақлли» заводига яққол мисол бўла олади. У компьютер симуляцияси ёрдамида фойдаланишга топширилган илк завод бўлди, — дея изоҳ берган «Audi» бошқаруви аъзоси Хуберт Вальтль. — Биз ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириб, заводни одатдагидан 30 фоиз тезроқ ишга туширдик".

## «Volkswagen» тоvon тўлайди

Германиянинг "Volkswagen" автомобилсозлик концерни "дизель можароси"дан зарар кўрган АҚШлик дилерларга 1,2 млрд. АҚШ доллари тоvon пули тўлайди. Ушбу иш бўйича давволар Калифорния штати Сан-Франциско шаҳри сулила кўриб чиқилган.



Айни вақтда тоvon пули оладиган дилерларнинг сони аниқ келтирилмаган. Аммо тарқатилган хабарларга кўра, мазкур русумдаги автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи дилерлар ушбу келишувдан чиқиб, концернга нисбатан хусусий тартибда давво аризаси топшириши мумкин.

## Ташландиқ ҳарбий база

Гренландиядаги глобал иссиқлик туфайли улкан музликлар эриган. Натижалда унинг тагида яшириниб ётган Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги авиабаза очилди қолган. Мазкур ҳарбий авиабаза АҚШга тегишли эканини маълум бўлди.



Америкаликлар бу базани 1966 йилда тарк этишган экан. Маълумотларга кўра, айни вақтда бу ерда турли ускуналар ва тонналаб захарли чикиндилар борлиги аниқланди. Тахмин қилинишича, америкаликлар бу ердаги қалин музлар авиабазанинг сирини юзлаб йилларга "сақлаб" қолади" деб умид қилишган. Бирок глобал иссиқлик сирни фож килган.

Канадалик фотосуратчи Кен Бауэр базадаги қолдиқлар, яъни самолёт бўлақлари, ускуналар, ўқ-дори ва атроф-муҳитга хавф солувчи чикиндиларни суратга олган. Сураткашнинг айтишича, бу ерда яна ичиди динамит бўлган ашиқлар ва 10 минг баррелдан кўпроқ ёқилги қолиб кетган.

Таъкидланишича, мазкур авиабазадан АҚШ Иккинчи жаҳон урушида 1942 йилдан 1947 йилгача фойдаланган.

Интернет хабарлари асосида таёрланди  
Суд очерки

## Нафс йўриғи...

/Давоми. Бошланиши 9-бетда/

Ботир фибригарликнинг ҳадисини олганидан кейин мутахассислик дипломи ҳам қолиб кетиб, одамларни алдаб пулини олиб яшаш унинг ҳаёт тарзига айланганди. Лекин фибригарлик оқибатида Ботирнинг тинчи йўқолди. Сабаби, иши битмаган одамлар пулини сўрайверганидан у ҳар сафар янги найрангларни ўйлаб топар, кимларданки қочиб юришга мажбур эди. Базан ундан жабранганлар ўзини тополмасдан, тўғри у туғилиб-ўсган ота-онасининг уйига бораверганидан кейин иложсизликдан пулнинг маълум бир қисмини қайтаришга мажбур ҳам бўлган.

Баҳоналар билан алдаб юраверганидан кейин К.Аюбов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилган. Аризани текшириш жараёнида Ботир К.Аюбовга 10 минг 900 АҚШ доллари микдорида пулларни қайтарди, шундан кейин жабранувчи ҳеч қандай давъоси йўқлигини, пулнинг қолган 7100 АҚШ долларини 2016 йилнинг февраль ойида қайтариб беришга келишганлигини ёзиб беради.

Орадан бироз вақт ўтгач, К.Аюбов зарур бўлаётганлиги учун пулнинг қолган қисмини ҳам тезроқ беришни талаб қилади. Аммо ҳеч қандай натижа бўлавермагач, Мирзо Улуғбек туман ИИБга ариза билан мурожаат қилади. Ботир дастлабки суроққа чакиртирилганида тез кунларда пулни қайтариб беришни ваъда қилади. Ташкарига чиқиб, К.Аюбовга "Нега қолган пулни олганингни айтмадинг" деб сўраганида, К.Аюбов "Агар пулнинг қолган қисмини тезроқ бермасанг, 10900 долларни ҳам олмадим деб


ёзиб бераман", дейди. Боши берк кўчага кириб қолганини сезган Ботир бу чигал вазиятдан осонликча қутула олмаслигига ақли етиб, пулни 2016 йилнинг 5 январь кунигача топиб бериши мумкинлигини айтади.

К.Аюбов келишилган вақтда айтилган манзилга келганида, Ботир ўзининг "ВАЗ-2106" автомобиласида келиб, уни Қибрай тумани, Қипчоқ ҚФЙнинг аҳоли яшамайдиган ҳудудига таниши пулни шу ерга олиб келишини айтиб олиб боради. Ён-атрофда ҳеч ким йўқлиги Ботир учун жуда қулай вазият эди. Бундан фойдаланиб қолиш ниятида, у автомашинани йўлнинг четига тўхтадиб, таниши келгунича орқа ўриндикда сочилиб ётган қозғаларни тўғрида қўйиш баҳонасида орқага ўтиб, олдидан тайёрлаб қўйилган арқонни ўриндик тагидан аста олиб чаққонлик билан К.Аюбовнинг бўйнига солади ва қаттиқ тортиб бўға бошлайди. К.Аюбов минг уринса-да Ботирнинг исканжасидан қутула олмади жон таслим қилади. Унинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилгач,

мурдани автомашинанинг юкхонасига солиб, Қибрай тумани ҳудудидидаги далага олиб боради ва марҳумнинг эғнидаги куртқадан "Нокция" русумли телефон аппаратини олиб қўяди-да, мурданинг устидан бензин қуйиб ёқиб юборади.

Жиноят очилмасдан қолмайди. Ботирнинг ҳам барча қилмишлари ошкор бўлиб, ўзи суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. Ҳукм ўқилди. Унга кўра, Б.Муқимов йигирма йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Унинг жиноий шериклари Б.Салимов ва М.Раҳимовлар ҳам тегишли жазага тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, муस्ताқил Ватанимизда билим олиш ва илм-фанни ўрганиши, касб-хунар эгаллаш ва ҳалол меҳнат қилиш, ўз наватидида, шуларнинг ортидан бой-бадавлат яшаш ууну барча шарт-шароит мудаёй. Айтмоқчимизки, илм олишинг юқоридаги каби, осон йўлидан боришни ният қилиб, фибригарларнинг тегириғида сув қўямасдан, ўз билими билан муस्ताқил ҳаракат қилиш ва чув тушмаслик учун доимо огоҳ бўлиш, ўз тақдирини пул эвазига ўзгалар қўлига топшириб қўямаслик даркор.



## Хасселбайнкка қарши суриштирув ишлари бошланди

Англиянинг "Куинз Парк Рейнджерс" клуби The Telegraph нашри томонидан бош мураббий Жимми Флойд Хасселбайнк юзасидан айтилган маълумотларга ўз муносабатини билдириди.

Эслатиб ўтамоқчи, мазкур газета Хасселбайнк "КПР"га футболчи таклиф қилиши учун даллол компаниядан 55 минг фунт стерлинг сураганлигини ёзган эди.

"Биз бу айбловлардан хабардормиз ва суриштирув ишларини ўтказамиз. Айбдорлар аниқланса, уларни жазолаймиз", — дейилади клуб баёнотида.

## Чезаре Пранделли «Валенсия» бош мураббийи

Италиялик мутахассис Чезаре Пранделли Испаниянинг "Валенсия" клуби бош мураббийига айланди. Бу ҳақда «кўршапалаклар» расмий сайтида эълон қилинди.



Маълумотларга кўра, томонлар 2018 йилнинг 30 июнига қадар мўлжалланган шартнома имзолашган.

Эслатиб ўтамоқчи, бир неча кун аввал "Валенсия" раҳбарияти Пако Айестарани ўз лавозимидан озод этганди.

"Валенсия"нинг янги бош мураббийи Чезаре Пранделли кўтаринчи мақсади ҳақида фикр билдирди. "Менинг биринчи мақсадим жамоадаги кайфиятини яхшилаб, футболчилар руҳиятини кўтариш ва жамоани бир мақсад йўлида бирлаштириш. Яна бир мақсадим — жамоани Чемпионлар лигасига қайтариш", — дейди Пранделли. Эслатиб ўтамоқчи, айти пайтда "Валенсия" чемпионатда 6 очко билан 17-ўринда бормоқда.



## Роналду Лиссабонда меҳмонхона очди

Мадрининг "Реал" клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду Pestaña CR7 брэндадаги яна бир меҳмонхонанинг очиши маъносида иштирок этди.

"Ҳаёт — фақат футболдан иборат эмас. Футбол — менинг эхтиросларим, аммо мен ўз келажагим ҳақида ҳам қайғуришим керак. Менинг футболчилик фаолиятимнинг бошланғич қисми Лиссабонда кечган, мен бу ерда 7 йилни ўтказганман. Мен бу шаҳарда меҳмонхона очиш имконини қўлдан бой бера олмасдим", — деган Роналду.

Бунгача футболчи ўзи туғилган Фуншал шаҳрида ҳам меҳмонхона очган эди. Ўтган йили Роналду 70 млн. евролик 4 та меҳмонхона очиши маълум бўлганди. Меҳмонхоналарнинг 3 таси португалиялик футболчининг ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган Фуншал, Лиссабон ва Мадрид шаҳарларида очилиши белгилаб олинган. Шунингдек, меҳмонхоналарнинг бири Нью-Йорк шаҳрида ҳам очилади. Айнан шу ерда Роналду профессионал футболчилик фаолиятини якунлашни мақсад қилгани айтилади.

## Яна ўша гап: Бэйл «МЮ»га ўтармиш...

"Реал" ярим ҳимоячиси Гарет Бэйл кейинги ёзда "Манчестер Юнайтед"га ўтади, деб хабар бермоқда Football Espana.

Футболчининг агенти Жонатан Баррет ўтган ҳафта "МЮ" клуби устози Жозе Моуриньо ва клуб ижрочи директори Эд Вудворд билан учрашган.

Эслатиб ўтамоқчи, Бэйлнинг "Реал" клуби билан амалдаги шартномаси 2019 йил ёзига қадар давом этади.

## «Ювентус» Матичга талабгор

Италиянинг "Ювентус" клуби раҳбарияти ҳамон Англиянинг "Челси" жамоаси ярим ҳимоячиси Неманья Матични сотиб олиш ниятида.

Calciomercato веб порталининг маълумотига кўра, 28 ёшли сербиялик футболчи учун туриналиклар киши трансферлар мавсуми вақтида 27 миллион евродан воз кечишга тайёрлар.

Матичнинг "Челси" клуби билан шартномаси 2019 йилнинг 30 июнига қадар амал қилади.

Эслатиб ўтамоқчи, жорий мавсумда Матич Англия чемпионатининг 7 та ўйинида майдонга тушиб, 3 та голли узатмага муаллифлик қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



## Кубок Месси ватандошларида

Колумбияда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати финалида Россия ва Аргентина терма жамоалари тўқнаш келиб, якунда Мессининг ҳамюртлари бош совринга эга чиқди. Россия терма жамоаси учун жаҳон чемпионатидаги биринчи финал 5:4 ҳисобида аргентиналиклар фойдасига якунланди.

## FUTSAL WORLD CUP COLOMBIA 2016

Ҳисоб россиялик футболчилар томонидан очилган бўлишига қарамай, аргентиналиклар зудлик билан вазиетни унглаб, керакли натижага эриша олишди. Гарчи россияликлар финалда мағлубиятга учрашувда пенальтилар сериясида голиб бўлди ва ўз тарихида илк бора мундиалнинг бронза медалини қўлга киритди. Учрашувнинг асосий вақти 2:2, пенальтилар серияси эса 4:3 ҳисоби билан якунланди. Эрон терма жамоаси мини-футбол бўйича жаҳон чемпионатларида медал қўлга киритган биринчи Осиё терма жамоаси бўлди. Эрон шу вақтгача 10 марта ярим финалда уйнаган ва учинчи ўрин учун баҳсларда ютқазганди.

Биз учун аҳамиятли жиҳати, Колумбияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси илк бора иштирок этди. Вакилларимиз гуруҳ ўйинларида бир очко жамғаришди.

Реклама (эълон)

## «Respublika mulk markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилоят прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чупон-ота кўчаси, Ц-мавзесида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Нексия" русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, техник ҳолати кониқарли ҳолатда, бошланғич баҳоси — 21 510 670 сўм, давлат рақами 10/775 ААА.

2. "Нексия" русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, техник ҳолати кониқарли ҳолатда, бошланғич баҳоси — 21 048 025 сўм, давлат рақами 10/763 GBA бўлган автотранспорт воситаси. Савдо голибига 20 кун ичида сотувчи билан олди-соғди шартномасини имзолаш мажбурияти юқлатилади. Закалат пули миклони 40 фоиз.

Аукцион 2016 йил 7 ноябрь соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий нш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мундати: 2016 йил 4 ноябрь кун соат 18:00.

Ўқорида кўрсатилган савдоларга иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганини ҳаққиди тўлов ҳужжати нуسخаси, вакиллар учун ишончнома такдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига белгиланган миклордан кам бўлмаган закалат пулини "ҚММ" АЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/р.га савдога иштирок этиш учун ариза топширигунга қадар тўлашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Корақамани кўчаси, 1-А уй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

Хизматлар лицензияланган

## Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

## Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

## Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85, E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda keleshgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqzir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-7163. 38 257 nusxada bosildi. Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: G. ALIMOV Sahifa lochi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7617 9 772010 761004